MILLIY TIKLANISH TASHKILOTI
INV. №

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

Milliy Tiklanish

Gazeta har oyda 2 marta sechanba kuni chiqadi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining gazetasi

2003 yil, 27 may

6 (278) son

3 июн – ЎзМТДП ташкил топган кун

ҚАДРЛИ МУҲЛИСЛАРИМИЗ!

Газетамизнинг бу сонини партиямиз ҳамда газетамизнинг 8 йиллигига бағишламоқдамиз. Ушбу сонда сиз кўпроқ партиямиз ва газетамиз ташкил қилинганидан бери унинг ишларида, саҳифаларида фаол қатнашиб келаётган сафдошларимиз, жонкуяр, ташаббускор дўстларимиз – муаллифларимизнинг чиқишлари билан танишасиз. Уларда орада ўтган саккиз йилда рўй берган ижтимоий ҳаёт, сиёсат, тафаккур ўзгаришлари – яхлит қилиб айтганда, биз миллат сифатида қанчалар ўзгарганлигимиз, таъбир жоиз бўлса, олға кетганлигимизни англайсиз.

Ҳар қанча бўлмасин, замон, давр, одамлар бир жойда турмайдилар. Ўзгариш йўқдай бўлиб кўринган жойда ҳам разм солиб қарасангиз, сезиларли силжишлар бўлганлиги ва бўлаётганлигини кузатишингиз мумкин.

УЧРАШУВЛАР. СУҲБАТЛАР. АНЖУМАНЛАР

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Апрел ойининг охирида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида таниқли рассом, ЎзМТДП котиби, Беҳзод музейининг раҳбари Ортиқали Қозоқов асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазманинг очилиши маросимида университетнинг ректорати раҳбарлари, профессорлари, ўқитувчилари, аспирантлари ва талаблари қатнашдилар.

Тақдимотда ЎзМТДП Марказий ҳайъати ва Олий Мажлисдаги «Миллий тикланиш» фракцияси аъзолари Иброҳим Ғафуров, Ўткир Ҳошимов, Шарифа Салимова, Хуршид Дўстмуҳаммад, «МТ» бош муҳаррири ўринбосари Дилором Маткаримова рассом ижодининг Ўзбекистонда миллий тикланиш жараёнларини акс эттириш, замондошлар рангбаранг сиймоларини яратишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзладилар. Партия намояндалари, ижодкорлари, талабалар ўртасида давр, ижод, жамият йўналишида қизиқарли савол-жавоб, суҳбат бўлиб ўтди.

* * *

Апрел ойининг охирида ЎзМТДП Олий Мажлисидаги фракцияси раҳбари Иброҳим Ғафуров АҚШ Миллий Демократик институтининг Ўзбекистонда очилаётган ваколатхонасининг директори жаноб Ричард Глауб билан унинг илтимосига кўра учрашди. Самимий, очиқ суҳбат чоғида парламент сессиясида кўриб чиқилган масалалар, янги қабул қилинган қонунлар ва ҳужжатлар, Ўзбекистон Конституцияси ва Сайлов тўғрисидаги Қонунга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар, партиянинг сайлов олдидаги тайёргарлиги каби масалалар ҳақида фикр алмашилди. АҚШ Миллий Демократик институти ҳамда сиёсий партиялар ўртасида ҳамкорлик йўналишлари кўриб чиқилди.

* * *

Май ойининг ўртасида Тошкент вилоятининг Паркент туманида ЎзМТДП Паркент туман кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда партия ташкилотларининг сайловларга тайёргарлиги ҳамда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Конференцияни ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг раиси Шарифа Салимова олиб борди. Конференцияда партия туман кенгаши, ревизия комиссияси аъзолари, туман кенгаши раиси ва унинг ўринбосари сайланди. Давлат тижорат халқ банкининг Паркент тумани филиали бошқарувчиси, муҳандис-иқтисодчи Руҳиддин Турсунов партия туман кенгаши раиси ҳамда ҳокимлик меҳнат бўлими шўъба мудири, иқтисодчи, эколог мутахассис Анвар Рўзматов унинг ўринбосари қилиб сайланди.

Конференцияда ЎзМТДП Марказий ҳайъати аъзолари Иброҳим Ғафуров, Ўткир Ҳошимов партиянинг олдида турган долзарб вазифалар, Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган муҳим ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида сўзладилар, адабий, ижтимоий, сиёсий ҳаёт масалалари билан боғлиқ саволларга жавоб бердилар.

Конференция ишида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Азаматов ва туман хотин-қизлар қўмитаси раиси қатнашдилар.

* * *

20 май куни Республика байналмилал маданият маркази ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияси «Бунёдкор ёшлар» телеклубида «Ёш олимлар» гуруҳи «Ўзбекистон – дўстлик ва ҳамжиҳатлик диёри» мавзуида давра суҳбати ўтказдилар. Суҳбатда миллатлараро маданият маркази директори ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди Муножотхон Нурматова, Олий Мажлис депутати, таниқли шоира Шарифахон Салимова, ЎзМТДП раиси Иброҳим Ғафуров, қозоқ, қирғиз, туркман маданий марказларининг раҳбарлари қатнашдилар. Суҳбат йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

БАЙРАМ ТАЪНАСИ

(Фақат партиядошлар ўқисин)



Муайян жамиятда бир неча сиёсий партия фаолият юритаётгани шу ерда ҳаёт қайнаб турганидан, фуқаролар тафаккурида сиёсий позициялар шаклланганидан, сиёсий позициялар партиялар қиёфасида жамиятнинг муайян қатламини ташкил этганидан далолат беради. Бу ҳол кенг фуқаролар оммаси жамиятни ислоҳ этишда фаол иштирок этаётганини кўрсатувчи муҳим демократик шартлардан бири ҳамдир.

Шундай экан, нима сабабдан бизда бир неча партия мавжуд бўлишига қарамай мана шундай жўшқин жараён кўзга ташланмаяпти? Ҳар бир сиёсий партия жамиятдаги ислоҳот жараёнларини янада жадаллаштиришга қаратилган самаралироқ чораларни амалий дастурлар сифатида тақдим этмаяпти?

Бунинг бош сабаби, бизда сиёсий партиялар мавжуд, холос. Улар мавжуд бўлиб туриш, яъни йўқолиб кетмаслик учунгина курашишдан нарига ўтолмаяпти. Ваҳоланки, мавжуд бўлиш ва фаолият юритиш деган тушунчалар ўртасида осмон билан ерча тафовут бор.

Давлат, жамият, халқ, партия, фуқаро... ўртасидаги мутаносиблик, уйғунлик, мувозанат ва ҳамкорлик борасидаги кемтикларни тарози палласига қўйиб, обдон мулоҳаза қилиб кўрайлик. Бозор муносабатларига ўтиш даврида, назаримда, ҳаёт ниҳоятда конкретлашиб кетди. Одамлар ғоялар ва эзгу ниятлардан нарига ўтмайдиган, порлоқ келажакда эришилажак маъмурликни эмас, ҳатто эрта-индин кулиб боқажак иқболни эмас, бугунги нақд матфаатни кўзламоқдалар.

Партия кишилар психологиясидаги шунга ўхшаш ўзгаришларга таянмоғи, улардан куч олмоғи вахларни сиёсий йўналишга айлантира билмоғи керак.

Илм-маърифатга асосланган зиёли турмуш тарзи халқимиз тийнатидаги азалий ва бебаҳо қадрият эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай яшаш ҳар қандай замонда, жумладан ҳозир ҳам миллат шаъни, шавкатини тикловчи ўлмас куч бўлиб қолаверади.

Партиямиз шу ғояни илгари сурмоқда, халқимизнинг шу ғоя тевараги да жипслашган салмоқли қатламини вужудга келтириш йўлларини изламоқда. Бироқ, бу борада фалон ишни қойиллатиб қўйдик, деб айтишга тил бормайди. Саккиз йилдирки, ҳарчанд тарғиб-ташвиқ қилинмасин, "Миллий тикланиш"га аъзо бўлсам ҳаётим яхшиланиб кетади ёхуд бирон оғирим енгиллашади, деган ишонч-эътиқод билдирган кимсани учратмадим. Ваҳоланки, партия аъзолари орасида Олий Мажлис депутатлари кўпайди, фракция ташкил топди.

Бундай ҳолатнинг сабаблари кўп албатта. Фаолиятни жонлантириш учун... мавжудлик босқичидан фаолият юритиш босқичига кўтарилиш шарт! Ички молиявий-дастурий муаммолар ечимини тополмай ўз ёғига ўзи қовурилишидан халос бўлолмаётган партия теварагига катта кучларни жипслантириши, жамият миқёсидаги муаммолар ечимини топиш қасдига бел боғлаши мушкул.

... Партиямизнинг 8 йиллиги муносабати билан сафдошларни силлиққина табриклаб қўя қолиш осонроқ эди аслида. Бироқ, партиямизга фидойи ва садоқатли дўстларимиз жиндеккина ошкора таъна замиридаги тоза ниятни табрик ва даъват сифатида қабул этишларига ишонч билдириб:

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ХАЛҚИМИЗ ЎЗ-ЎЗИНИ ТИКЛАШИ МУҚАРРАР!

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий ҳайъати аъзоларидан бир гуруҳи. Ўнгдан чапга: Ўткир Ҳошимов, Ортиқали Қозоқов, Ойдин Ҳожиева, Шарифа Салимова, Хуршид Дўстмуҳаммад.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ПАРТИЯСИ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ ОЧИЛМОҚДА

ЎзМТДП, Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан ташкил қилинаётган «Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси санъати галереяси» деб номланган кўргазма, анъаналар, умуминсоний қадриятлар ва маҳалла мавзусига бағишланади.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши биносининг кўргазмалар залида очиладиган ушбу кўргазмада элликка яқин санъат асарлари жой олган. Унда Ўзбекистон халқ рассомлари, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев, Собир Раҳметов, таниқли рассомлар Рустам Худойберганов, Эркабой Машарипов, Абдуманнон Юнусов, Ортиқали Қозоқов, Гулнора Раҳмон, Гулзор Султонова, Фирдавс Файзуллоҳ, Адҳамжон Иброҳимов каби ижодкорлар ўз асарлари билан иштирок этишмоқда. Шунингдек, Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи коллекциясидан олинган Фахриддин Раҳматуллаев, Хайриддин Муҳиддинов, Аброр Турсунов, Шорасул Шоаҳмедов каби миниатюра усталарининг асарлари намойиш этилади.

Тадбирга ЎзМТДП етакчилари, хорижий мамлакатлар дипломатик корпуси ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, мусавирлар, санъатшунослар, ОАВ ходимлари, санъат мухлислари таклиф этилган. Шунингдек, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши қошида ташкил этилган фолклор-ашула ва рақс ансамбларининг бадиий чиқишлари томошабинларга ҳавола этилади.

Кўргазма шу йилнинг 30 май куни соат 17.00 да очилади ва бир ҳафта мобайнида намойиш этилади.

Васила ФАЙЗИЕВА, санъатшунос

ШУНИСИ ҚИЗИҚ...

(Телефон орқали табрик)

Бошқа газеталар ҳали кўтармаган муаммо, мавзуларни ёритиши билан ҳам «МТ» ўзига хослик касб этган, менга кўпроқ шуниси қизиқ... Масалан, контракт асосида ўқишдаги қийинчиликлар, бунинг маърифатга таъсири анчайин катта муаммо.

Газетанинг ҳар бир сонини кузатиб бораман, ўзимга хулосалар оламан. Айниқса, фалсафий мавзудаги, Инсон интеллекти ҳақида мушоҳада юритилган илмий асосли мақолаларни қизиқиб ўқийман. Мухлис газетани яхши кўришига сабаб бўладиган чиқишлар унда кўп. Бундан кейин ҳам улар сони ортишини тилаб, барча қизилтепаликлар номидан партия ва газетани шундай қувончли сана билан самимий қутлаймиз.

Раҳим МАҚСУДОВ, «Қизилтепа тонги» газетаси Бош муҳаррири

БУЮКЛИК СОДДАЛИКДАН ТУҒИЛАДИ

Сирдарёда «Миллий тикланиш» партиясининг фаолияти жонланди. Партиянинг вилоят бўлими кенгашига Маматкул Бозорбоев раҳбарлик қилади, тиниб-тинчиш, ҳаловат нима эканини билмайди.

Ҳар куни уйдан чиқаётганда онам ортимдан дуо қилиб қолади. Қорам кўринмай кетгунча алқайди. Онамнинг ҳамиша қувониб юришини, ҳеч нарсага зориқмаслигини, беармон яшашини хоҳлайман.

Нима учун онам ҳақида сўз бошладим? Чунки Ватаним ҳақида гапирмоқчиман. Мунисам онамни бағрида яйратган, бизни қучоғида улғайтган, келажакни қўйнида аллалаётган Ватан ҳақида сўз кетса онадан ўзгаси кўз ўнгингга келмас.

Ҳар куни онам дуоларини қанот қилиб эл хизматига отланаман. Турфа одамларга дуч келаман. Одамлар орасида бўлиш, уларнинг юрак уриши, нафас олишигача ҳар куни шуларни сезишга интиламан.

Рости, «Миллий тикланиш»да иш бошлаганимга икки йилдан ошди. Бироқ ўтган фурсатни оз ҳам деёлмайман. Шу давр ичида жуда кўп нарсани англадим. Иш бошлаган кунларим кўпчилик дўстларимнинг «Қўлингдан иш келади, бўш келма», деган сўзлари ўнг қулоғимда қолса, аҳёрларнинг «Тиббиёт ходими нима иш қилади, яна ёш, тажрибасиз» каби ишончсиз луқмалари чап қулоғимда қотди. Юрагимнинг тўрида эса «Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган баркамол ва шижоатли ёшларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Киши ана шундай ёшларимиз борлигидан куч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўкси тоғдек кўтарилади», деган юртбошимизнинг ушбу сўзлари юрагимдан жой олди. Бу сўзлар қаддимни янада тиклади. Ғайратим ортиб, ишлагим, югуриб-елгим келади. Ҳозиргача ўзимда сарфлаб, тугатиб бўлмас кучни ҳис этаман.

Партиямизнинг вилоят кенгаши раҳбари сифатидаги фаолиятимга келсак, тиббиёт ходими эканлигим роса қўл келди. Шўролар даврининг бўғиқ ҳавосидан ҳамон ўпкасини тозалолмай қийналаётганларга ҳурриятнинг тоза ҳавосини англатдик. Томирларда қотган боқимандалик, лоқайдлик, ўзликни унутиш сингари эскирган қон миллий қадриятларимизни тиклаш, Ватан тақдири, халқ, миллат маънавиятига масъуллик ҳиссини уйғотиш каби янгиси билан алмашди. Тоза қон билан ишлайдиган юрак фаолияти эса ўзингизга маълум — соғлом!

Иш бошлаганимнинг дастлабки кунлари туманларнинг бирида «Миллий тикланиш» партияси ҳақида сўз кетди. Гапнинг очиғи, «миллий» сўзини эшитиб айрим содда одамларда ҳадиксираш пайдо бўлди. Ахир «миллатчи» деган тамға билан вужудлари тўғул, тилларини ҳам қуйдирганлар оз бўлганми?! Не зиёли инсонларнинг умри хазон этилганлигини ким унутаолади!

«Миллий тикланиш» демократик партияси айнан зиёлиларни бирлаштиришини айтдим. Касб-коридан қатъий назар, зиёли инсонлар партияси эканини тушунтирдим. Мустақиллигимиз ҳосиласи — Миллий университет, Миллий театр, миллий боғлар, миллий байрамларимизни санадим. Ишонасизми, қисқа фурсатда «Миллий тикланиш» атрофида жипслашиш юз бера бошлади. Бугун уларнинг бир гуруҳи тадбиркорлар, бошқа гуруҳи талабалар, яна бошқалари маънавият-маърифат жарчилари. Улар жуда кўпчилик, улар узилмас ҳалқа. Улар билан ишлаш қизиқарли.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Иброҳим Ғафуров, фракция аъзолари: атоқли адибимиз Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов, адиблар Неъмат Аминов, Хуршид Дўстмуҳаммедов, ардоқли шоирларимиз Ойдин Ҳожиева, Шарифа Салимова билан вилоятимизда бўлиб ўтган қатор учрашувлар партиямизга хайрихоҳлар сафини ўстирди.

Қишлоқларда, оддий одамлар орасида кўп бўламиз. Бир нарсадан қувонаман, Ватаним деб ёниб яшаётганлар жуда кўп. Ватанга, «Миллий тикланиш» партиясига ёрқин келажак тилаган дуогўйларимиз кўп. Ёшларимиз, тенгдошларимиз ватан тақдири, партия тақдирига, халқ, миллат маънавиятига бефарқ эмас. Огоҳлик, хушёрлик юрак зарбимизга айланган.

«Миллий тикланиш» партиясидаги мулжалланган ишларим унум олса, оқшом қониқиш ҳисси билан уйга қайтаман. Онам дуосини тинглашдан умидворман. Онам-ку айланади-ўргилади, алқайди, сен-чи, сени рози эта оламанми, Ватан?...

Кўйлагининг узун енгларини ҳилпиратиб онам ҳовлида куйманади. унча олис бўлмаган сухбат ёдимга тушади. Президентимизнинг телевизорда оналарнинг узун енгли кўйлак кийиши, ҳақиқий миллий қиёфалари ҳақида гапирганди. Шунда онам суюниб кетиб: «Қара-я, юртбошимизнинг оналари ҳам соддагина оддий аёл бўлган эканлар», — дегандилар қайта-қайта.

Ушанда бир донишмандининг «буюклик соддаликдан туғилади» деган ҳикматини эслаган эдим. Шу ҳикмат тилимдан тушмайди. Содда она халқнинг бор экан, Ватан, тоабад буюклик тожи сеникидир.

Маматқул БОЗОРБОЕВ, ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ – ИНСОНИЙ ҲАРАКАТ

Бир неча йил аввал Шарқий Оврупо мамлакатларида саёҳатда бўлгандим. Ушанда сафар таассуротларини ёзмаган эдим, чунки бошқаларнинг сафарномаларини ўқиганимда: "Мана биз шунақа жойларда бўлганмиз, деб мақтаниш учунгина ёзибди", – деган хаёл кечар эди. Мен бошқа бир сабаб билан ўша сафарни эслаяпман.

Полшадан Олмонияга ўтишимиз билан ғаройиб бир аҳволга тушдик. Гарчанд йўл четида, "Озода бўлайлик!" шиори бўлмаса-да, йўллар чиннидай тоза, гулларнинг юрагидан шабнам учиб улгурмаган. Одамлар-чи?! Одамлар хушмуомала, сиз туртилиб оёғини босиб олсангиз ҳам, узр сўрайди. Ҳар икки гапнинг бирида: "Бит-тэ", "Плиз" – "Марҳамат", "Жоним билан", – деб туришади. Сўкишиб, дарғазаб бўлиб турган бирор кимсани учратмадим. Айтишингиз мумкин: "Уларнинг дўконида ҳамма нарса бор, магазинлар молга тўла бўлса, олишга пули бўлса, нега дарғазаб бўлсин?!" Хато қиласиз. Сиз ўйлайсизки, уларда яшаш осон, уч қулоч чит, икки кило шакар истаб сарсон бўлсалар, хушмуомалаликдан асар ҳам қолмасди, сиз ўйлайсизки...

Йўқ, уларда ҳамма нарса борлиги учун улар хушмуомала эмаслар, аксинча, улар хушмуомала бўлганликлари учун уларда ҳамма нарса бор, уларнинг кўчалари тоза бўлгани учун улар тартибли эмас, аксинча, улар тартибли бўлганлари учун кўчалари тозадир. Ишонасизми? Кенгроқ мулоҳаза юритайлик. Бизда фаровонлик танқислиги учун бизда маданиятсиз эмасмиз, биз маданиятни тўлиқ эгалламаганимиз учун бизда фаровонлик етарли эмас. Бизда аксарият одамларда пул камлиги учун ўғрилар кўп эмас, бизда ўғрилар боис пул қолаётгани йўқ, бизда халқ қашшоқликда қолгани учун порахўрлар кўп эмас, аксинча, бизда порахўрлар кўплиги учун халқ қийналган... Бугун мен дунёнинг бир тилсимини билганга ўхшайман. Биз миллий жиҳатдан тиклансаккина дунёнинг фаровон халқлари қаторига қўшила оламиз. Биз миллий тиклансаккина ислоҳотларимиз олдинга силжийди.

Хун бўлиб кетасан: яхши қонунлар бор, адолат ваъдалари бор, нега эса яшаш кундан-кунга қийинлашмоқда? Ишлаб чиқарувчи корхоналарга эркинлик берилди, тадбиркорлик қонунлаштирилди, хоҳлаганлар томорқа олмоқда... Нега фаровонлик кучаймаяпти. Назаримда, биз миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, миллий тикланиш мафкурамиз кучолсин десак, чаласаводлик, маърифатсизлик ва унинг оқибатида юзага келган қаллоблик, порахўрлик, иккиюзламачилик каби иллатлардан кўришади, камбағалларни мақташади. Камбағални яхши кўриш эмас, унга ачиниш керак, бой бўлиш учун шароит яратиш лозим. Сингапурнинг ҳукумат раҳбаридан: "Нега мамлакат бирданига фаровонлашиб кетди, сабаби нима?" – деб сўраганда, у шундай жавоб берди: "Бунинг уч сабаби бор: 1) астойдил меҳнат; 2) ҳақиқий таълим-тарбия; 3) ҳалол ҳукумат. "Одамларнинг дангаса бўлиб кетгани ҳаммамизга аён. Биз чет элликларга ҳавас қиламиз, лекин улар жуда қаттиқ меҳнат қиладилар. Бир хорижлик кулиб гапириб берган эди: "Хайронман – сизлар ўзбеклардай ишлаб, японлардай яшашни хоҳлайсизлар!" Ҳа, японлардай ҳар ерда меҳнат қилиш керак!

Японияни гапираётиб, бир сибирлик дўстимнинг ҳикоясини эсладим. Айтишича, япон ҳарбий асирлари энг ифлос хандақ қазиш ишларига ҳам тоза, оҳорли оқ кўйлак кийиб чиқар, белларига оппоқ сочиқ тугиб олар эканлар. Улар озод этилгач, баракларни – қамоқхонани тозалашга боришибди. Чунки махбусхоналарда ахлат уюмлари, деворларга уят сўзлар ёзилгандир деб ўйлашгандир-да. Қарашса, поллар ярқирайди, оппоқ деворларда японча табиат манзаралари... Қамоқхона комендантининг айтишича, япон асирлари баракка киришдан аввал оёқ кийимларини ечар эканлар.

Сезяпсизми, ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Японлар ҳатто асирликда инсоний қиёфаларини йўқотмаганлар.

Миллий тикланиш – халққа муносиб ҳаракатдир.

Шукрки, бугун "миллатчи" аталиш даҳшатга солмайди.

Шўро ҳукумати миллийликни буткул инкор этди. Халқ, Ватан, Тил, Эътиқодни сохталаштирган бўлса, Миллат тушунчасидан бутунлай юз ўгирди, миллийликни қатаға̀н қилди. Ва оқибатда етмиш йиллаб юракларнинг туб-тубига ҳайдалган миллий эҳтиёжлар миллий азобга эврилди, ниҳоят, миллий низоларга айланиб шўролар давлатини қулатди. Зеро, бу салтанатда энг ёмон тамға "миллатчи" тамғаси бўлди. Чоризмда ҳам, социализмда ҳам халқлар ҳамиша миллий озодлик учун тинмай курашиб келдилар. Ўтган асрдаги ва аср бошидаги "Оқ пошшо"га, мардикорчиликка қарши исёнлар, советлар давридаги "босмачилар" аталган жўмард йигитларнинг миллий озодлик ҳаракатлари, зиёлиларнинг тил тозалиги учун мунозаралари, "пахта иши"га қарши сўз жанглари – бари миллийлик ҳимоясига чоғланиш эмасмиди?

Халқлар учун миллий туйғулар энг лазиз ва оғриқли экани маълум бўлди. На моддий тенгсизлик, на руҳий эрксизлик, ва эътиқод қатағони, низолар, оғриқлар ва иддаолар бобида миллий зулмга тенг келолмас экан. Инсон бегонани ерига киритиши мумкин, овқатини бўлишиши мумкин, кийимини бериши мумкин, аммо қалбига қўймас экан. Зеро, миллат туйғуси – қалбдадир. Халқнинг ички сезгиси ҳар қандай миллий зулмга эртами-кечми кескин зарба беради.

XIX асрда аксар зиёлиларда бир ҳавас пайдо бўлганди – гўё миллий муаммоларнинг умри тугамоқда, кичик миллатлар катта-катта миллатларга сингиб кетадилар, улкан халқлар ўртасидаги тафовутлар ҳам босқичма-босқич йўқолади ва келгусида инсоният дунёвий бирликка эришади ва тил ҳам, эҳтимол, битта бўлади! Шу хаёл замирида социализм юзага келди, шоирлар ўзларини "замин фуқароси", "дунё фарзанди" деб ёздилар.

XX аср бу ақиданинг хомхаёллигини кўрсатди. Ўтган асрнинг елвизак ҳою-ҳавалари бизнинг асримизда миллий низоларнинг бўрони бўлиб садо берди. Социалистик тузум миллий туйғуларнинг қирраларидан "унумли" фойдаланди. Ҳокимиятни олиш ҳуқуқини "эътироф" этди. Аммо болшавойларнинг мақсади азалдан миллатларни йўқотиш эди: "бир давлатнинг ичида турли миллатлар бўлиши зарарлидир, биз марксчилар, уларни яқинлаштириб, қўшиб юборишга интиламиз" (В. И. Ленин. "О национальном и национально-колониальном вопросе, 113-бет). "Марксизм миллатчиликка муросасиздир... Марксизм ҳар қандай миллатчилик ўрнига – байналмилаллик, барча миллатларнинг олий бирликка қўшилишини олға суради" (ўша асар, 128-129 бетлар). Халқлар Ленининг "озодлик" ваъдасига ишониб, унга қўшилдилар ва эўраки инқилобни амалга оширдилар. "Оқ пошшо"ни қулатгач, мустақилликларини эълон қила бошладилар.

Бироқ 1918 йилнинг аввалидаёқ Туркистон, Бошқирдистон, Татаристон, Крим ва Кавказ халқлари ўз эркин ва даҳлсиз давлатларини барпо этишларини эълон қилганларида, Ленин уларни Қизил Армия ўқлари ва тиғи билан кесиб, отиб Россия таркибига киргизди ва озод Полшага қарши уруш бошлади. Социализм "тажрибаси" хусусан шуни кўрсатадики, тоталитар ҳукмдорлар давлатни эгаллаб олиш учун миллий-

(Давоми 2-бетда)

ҚАПОЛ ЎЙИН ҚОИДАСИ ←3

АЧИҚ, АЧИҚ, АЧИҚ, ЛЕКИН РОСТ...

4→ «ШОУ»ЛАР ВА ШОВ-ШУВЛАР...

ҲАЁТ АДАШИШДАН ИБОРАТМИ? ТАБИАТ-ЧИ?

ТИКЛАНИШ МИНБАРИ

Аввало газетанинг биринчи сонларидан бошлаб унинг мухлиси эканлигимни айтмоқчиман. Илк бор унинг номланиши диққатимни тортган, бу номни ўқиб газета миллат тарихининг шу пайтгача биз англаб етмаган, китобларда битилмаган жиҳатларини ҳам ёритади деб ўйлаганман. Эсимда, яқинимиздаги газета дўконига ҳар гал мен учун ундан олиб қўйишини сўраганман. Хуллас, илк чиқишидан бошлаб шу кунгача «МТ»ни битта сонини ҳам қолдирмай ўқиб келяпман! Шуни айтишим керакки, газета борган сари сонма-сон мени ўзига жалб қиляпти, ундан маънавий фойдаланяпман, дейишим мумкин.

Бугунги жараёнлар қандай кечаётгани, ислоҳотлар истиқболи қандай намоён бўлиши ҳақида «Бугун ва истиқбол» саҳифаси ҳикоя қилса, «Одам ва олам» рукни дунё билан ўз қадамимизни таққослашга имкон беради. Мен ёшларимизни дунё фалсафий тафаккур дурдоналари, чет эл классикасидан бироз бебаҳра қилиб қўйдик шекилли, дердим. «МТ»нинг «Одам ва олам» саҳифаси мана шу бўшлиқни тўлдираётганидан хурсандман. «Ҳордиқ манзили»даги ҳажвий чиқишлардан олинган таассуротлар узоқ вақт кишини шу хуш кайфиятда қўя билиши билан эсда қоларликдир. Чўпий домланинг гурунгларини барча ёшдагилар севиб ўқишига ишонаман, аслида чинакам ҳаёт гурунглари-да.

Фикримча, сарлавҳа мақоланинг ярим тарғиб қилувчиси, 60 фоиз рекламаси десам янглишмайман. «МТ»да берилаётган сарлавҳалар материалларни бир қарашдаёқ чиройли реклама қилади.

Газеталарнинг мазмун-моҳиятини белгилашда муаллифлар муҳим ўрин тутади. Баъзан бирор мавзуни қайси муаллиф ёритаётгани мақола ўқишли бўлиш-бўлмаслигини белгилайди ҳам. Шу маънода Иброҳим Ғафуров, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Мавлон Шукурзодаларнинг публицистик чиқишлари газетага жиддий қарашга ундайди.

Газетага келган ҳар бир мақолани таҳририят чукур ўрганиши, уларнинг ҳар бири устида таҳлил ва кузатувлар олиб бориб, жойларда ўрганиб кейин эълон қилиши мураккаб иш, албатта. Шунинг учун газеталар ҳамма ўз сўзини айтадиган, камчиликларни тўғрилайдиган, турли фикрларни ўртага ташлайдиган минбар ҳисобланади. «МТ»да чуқур ўрганилмаган мақолалар кўп учрамайди, лекин онда-сонда чиқиб туради дейиш мумкин.

Кези келганда барча газеталаримизга хос бир жиҳатни айтишга тўғри келади. Матбуот нашрларимизнинг ахборот географияси тор бўлиб қолган. Кўпинча, интервю, суҳбат олишса, фақат пойтахт кўчаларини кезиш билан кифояланишади, бошқа ахборот воситалари ҳақида ҳам шу мулоҳазани билдириш мумкин. Кенг оммага мўлжалланган ахборот манбаи кенг халқ орасида ишлаши керак деб ўйлайман. Бу-мухлислар сонини белгиловчи омил. Балки бунга имкониятлар етишмаётгандир. «МТ»га ана шундай имкониятлар очилаверишини тилаб қоламан, чунки у бир Ватан қамровига эга газетадир, шу Ватан тақдирини белгиловчи миллат ҳақида сўз айтаётган нашр – тикланиш минбаридир.

Насиба ИБРОҲИМОВА,
Давлат Санъат музейи раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

СПОРТ САҲИФАСИ БЎЛСА...

Аям, адам "Миллий тикланиш"ни уйга олиб келганларида ўқийман. Газета қизиқ. Айниқса, мусаввирлар, тасвирий санъатга кўп жой беради. Рассомлар ким, асли ҳаётда қандай инсон – шу саволларга яна ҳам кенгроқ жавоб олгим келади. Чунки санъат тарихидан реферат қилиш топширилганда, Европа ва рус рассомлари ҳақида маълумот жуда кўп.

Ўзимизникилар ҳақида ҳам. Раҳмат шунинг учун. Аммо мен кўпроқ спортга қизиқаман. Ўзбек футболи, болалар футболи ҳақида баҳс қиладиган саҳифа очилса, дейман.

Масалан, шаҳримиздаги гимназиялардан бирида бу йилги 7"Б"-синф ўқувчилари ўз синфдошлари орасида 2 йилдан буён ғолиб бўлишади.

"Сизлар чемпионсизлар!" дейди, тамом. Наҳот, битта кубок совға қилиб, топшириши шунча қийин?! Ота-оналарга айтсаям олиб келиб беради-ку. Ахир, ўша болалар қанча тайёрланишади, бу йил бир хил форма ҳам сотиб олишди. Ғурур, ғурур, дейдимиз. Ғурур туйғусини ўлдирмайдими шунақа муносабат? Яна бир фикр айтсам:

Хоразмда "Умид ниҳоллари" фестивали бўлиб ўтди. Шу қадар чиройли. Аммо ўша болалар фақат мактаблардан танланганмикин? Аммо ўша болалар фақат мактаблардан танланганмикин? Аммо мактаблардан танланган бўлса, нега укам ёки қўни-қўшниларимнинг болалари бундай фестивалга тайёргарлик бўлганини билишмайди? Балки, ҳеч кимга билинтирмай ўтказишгандир? Сал қизишган бўлсам, узр, ўзи қизиққонроқман.

Орзу АЪЗАМОВА,
Республика рассомлик коллежи талабаси

САЙЛОВЛАР ТИЗИМИ:
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Сайловлар — бу фақат демократиянинг белгиси ва кўриниши бўлмасдан, шу билан бирга унинг зарурий шарти ҳамдир.

Сайловлар тизими — сиёсий тизимнинг таркибий қисми бўлиб, шунингдек, у ўзи ҳам бошқа тизимлар каби тизилмавий қисмларга бўлинади: уларнинг ичида иккитаси алоҳида ажралиб туради:

1) сайлов ҳуқуқи — назарий-ҳуқуқий компонент; 2) сайлов жараёнлари (ёки сайлов ўтказиш жараёнини ўтказишнинг изчиллик асосидаги расмий тартиби) — амалий-ташкилий компонент.

Сайлов ҳуқуқи фуқароларни сайловлардаги иштирокини, сайловчилар ва сайланувчи органлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, шунингдек, сайловчилар ишончини оқламаган сайланган вакилларни чақириб олувчи тартиботларнинг ҳуқуқий меъёрлари мажмуасидир. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси торроқ маънода, аниқроғи, фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи сифатида: ёки сайловчи сифатида (фаол сайлов ҳуқуқи), ёки сайланувчи сифатида (пассив сайлов ҳуқуқи) ҳам қўлланилиши мумкин.

Ҳозирги дунёнинг кўплаб демократик мамлакатлари ўзларининг Конституциялари ёки махсус сайловларга доир қонунларида фуқароларни яширин овоз бериш орқали умумий ва тенг сайловлар ҳуқуқларини эълон қилган.

Сайловлардаги курашлар тоталитар жамиятдан фарқли ўлароқ, демократик жамиятда сиёсий партия фаолиятининг асосий кураш майдони ҳисобланади. Ҳар бир партия ўз электоратини кенгайтиришга интилади. Электорат (лот. «Lektor» — сайловчи) сайловларида у ёки бу партияга овоз берадиган сайловчилар контингентидир. Масалан, социал-демократик партиялар электоратини асосан ишчилар, зиёлилар, хизматчилар, майда мулкдорлар ташкил этади ва ҳоказо. Сайловлардан — сайловларгача у ёки бу партия электорати сон ва сифат жиҳатлардан ҳам ўзгариб туради. Масалан, Буюк Британияда лейбористлар партияси либераллар партиясини иккипартияли тизимдан сиқиб чиқарганларидан кейин, лейбористлар электорати либерлар электорати ҳисобидан сезиларли даражада кўпайди.

Янги сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар пайдо бўлиши кузатилаётган ҳозирги дунё давлатларида давом этаётган ижтимоий дифференциация жараёнлари ҳисобига сайлов блоклари ва иттифоқларини тузиш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Чунки, бирор сиёсий партия якка ҳолатда ғалаба қилиш имкониятига эга бўлмаса, у ҳолда бу партия жамоат ташкилотлари сайлов олди кураш жараёнида биргаликдаги ҳаракат қилишнинг умумий мақсадларига эришиш, энг асосийси сайловларда ютиб чиқиш учун сайлов блокларига бирлашадилар. Шунингдек, бирбирига яқин бўлган партиялар номзодини ғалабасини таъминлаш учун сиёсий блоклар ва иттифоқларни ташкил этилади.

Ҳозирги замон давлатларида овоз бериш нафақат фуқаролик ҳуқуқи, балки, фуқаролик мажбурияти ҳамдир. Баъзи мамлакатларда сайловда қатнашмаганлик учун ҳам жазо чоралари белгиланган. Масалан, Белгия, Нидерландия, Австралия каби мамлакатларда жарима тўланади. Покистонда эса, ҳаттоки, қамоқ жазоси ҳам қўлланилади. Айрим мамлакатларда «тўполонларни олдини олиш» мақсадларида овоз бериш учун ҳар бир сайлов округи бўйича кўрсатилган номзодларнинг анча сони чегараланган.

Овоз бериш якунлари бўйича сайловлар натижаларини аниқлаш асосан иккита катта сайлов тизими асосида кечади: мажоритар ва пропорционал тизимлар. Мажоритар тизимда номзод ёки номзодлар рўйхати қонунда белгиланганидек, энг кўп овоз олгандагина у ёки бу сайланадиган вакиллик органига сайланган, деб ҳисобланиши билан тавсифланади. Кўпчилик овоз олиш ҳам ҳар хил бўлади. Мутлақ кўпчиликни (50%+1 овоз) талаб этувчи сайлов тизимлари ҳам учрайди. Бундай тизим, жумладан, Австралияда амал қилади. Мажоритар тизимдаги сайловларда муайян кўпчиликнинг ўз рақибларига нисбатан кўпроқ овоз олиши улар номзодининг ғалаба қилганлигини билдиради. Уни «маррага биринчи келганлар тизими» деб ҳам аташади. Ҳозирги вақтда бундай тизим АҚШ, Канада, Буюк Британия, Янги Зеландия каби мамлакатларда қўлланилади. Баъзан мажоритар тизимнинг икки хил кўриниши ҳам қўлланилади. Масалан, Францияда парламентга депутатлар сайлашнинг биринчи босқичида мутлақ кўпчиликнинг овоз олиш тизими қўлланилса, иккинчи босқичда эса нисбатан кўпчиликнинг овоз олиш тизими қўлланилади.

Сайловнинг пропорционал тизимида берилган овозларнинг миқдоридан келиб чиқиб, барча мандатларнинг ана шу берилган овозлар ўртасида аниқ пропорционал тақсимланиши рўй беради. Бу тизим ҳозирги замонда анча кенг тарқалган. Масалан, Ғарбий Европа, Япония, Лотин Америкаси мамлакатларида сайловлар кўпинча пропорционал тизимда ўтказилади. Шунингдек, бу тизим Белгия, Швеция ва бошқа кўп мамлакатлар учун ҳам хосдир.

Можаритар ва пропорционал тизимлар ўзининг ютуқ ва камчиликларга ҳам эгадир. Можаритар тизимининг ижобий хусусиятлари шундаки, унда самарали ишловчи ва барқарор ҳукуматни шакллантириш имконияти борлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, у катта ва яхши ташкиллаштирилган партияларга улар учун сайловларни муваффақиятли ўтказиш имкониятини беради.

2. Сайловларда ўз рақибига нисбатан кам овоз олган партия парламентда кўпчилик депутатлик ўринларга эга бўлиши мумкин.

3. Сайловларда бир хил ёки бир-бирига яқин миқдорда овоз олган иккита партия ҳокимият органида бир хил бўлмаган миқдордаги номзодларни сайланишига эришадилар. (Баъзан, рақибидан кўра кўп овоз олган партия битта ҳам мандатга эга бўлмаслигини ҳам кузатиш мумкин). Шундай қилиб, можаритар тизим бирон-бир партия ёки блокка вакиллик органларида кўпчилик овозларни ва мандатларни олишга ёрдам беради.

Пропорционал тизимнинг устун томонлари тўғрисида қуйидагиларни айтиш мумкин: унинг ёрдамида жамият сиёсий ҳаётидаги сиёсий кучларни жойлашишини реал ва аниқ манзараларини кўриш мумкин. У фикрлар хилмахиллиги ва кўппартиявийликни ривожланишини, шунингдек, давлат билан фуқаролар ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлаб беради.

Сиёсий партия сайловлар олдида

Пропорционал тизимнинг асосий камчиликлари эса қуйидагилардир:

1. Ҳукуматни шакллантиришда мураккабликлар юзага келади. (Сабаби: бирон-бир устунлик қиладиган партиянинг йўқлиги, ҳар хил мақсад ғояларни кўзлаган партияларнинг кўппартиявийлик асосидаги коалициясини тузишга мажбур бўлиш.

2. Овозларнинг аниқ номзодларга эмас, балки, партияларга берилиши, партиялар билан депутатлар ўртасидаги алоқанинг сустлиги;

3. Депутатларнинг ўз партияларига анча боғлиқ бўлиб қолишлари (бу каби эркинликни чегараланиши парламентда қонунлар ва муҳим ҳужжатлар қабул қилиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин).

Сайлов тизими ўз тараққиёти ва ривожланиш йўлида катта жараёнларни босиб ўтиб, бой тажрибалар тўплади. Бу жараёнлар давомида (айниқса, урушдан кейинги даврда) аралаш сайлов тизимлари шакллана бошлади. Шунингдек, можаритар ва пропорционал тизимларнинг яхши томонлари бир-бири билан уйғунлаша бошлади. Аралаш тизим доирасида маълум бир қисм депутатлик мандатлари можаритар тамойиллар асосида тақсимланиши, қолган қисм мандатлар эса пропорционал тизим асосида тақсимланиши расм бўлди. Сайлов тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришда шу аралаш сайлов тизими сиёсий барқарорликка эришиш йўлидаги энг самарали йўл эканлигини ривожланган мамлакатлар тажрибалари исботлаб берди.

Конституциямизнинг 77-моддасига ўзгартиш ва қўшимча сифатида киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат» бўлиши тўғрисидаги қоидани ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистондаги сиёсий партиялардан юксак уюшқоқлик, давлат ва халқ олдида масъуллик, шунингдек, янги сайловларга демократик қадриятлар асосида тайёргарлик кўришни талаб этади. Сиёсий партияларнинг навбатдаги сайловларда демократик тамойиллар талабларига жавоб бера олиши ва мустақил фаолият кўрсата олиш қобилиятини эгаллаш бўлажак парламентнинг мазмуни ва сифатини замонавий тарзда бўлишига кучли таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,
сиёсатшунос

(Боши 1-бетда)

ликни "қувватлашаркан", аммо уни бошқариш учун ғайримиллий мафкура, миллий тарқоқлик "самарали" экан. Шунинг учун улар халқни эгаллагач, байналмилалчиликни ёқладилар, миллийликка қарши курашдилар, миллатни йўқотиш учун эса унинг маданиятини йўқотишга киришдилар. Маданиятни йўқотиш учун эса уни иккига бўлдилар – "эски" ва "янги" маданият, "пролетар" маданияти ва "қолоқ", "диний-клерикал" маданият. Туркистонни бешга бўлганлар, унинг ичидаги халқни ҳам "бой" ва "камбағал"га, "босмачи" ва "қизил"га бўлдилар. Навоийни яратганга муножаату таваллоларисиз адабиётга "қабул қилдилар", аммо унинг пирларини – Баҳовуддин Нақшбандий, Хожа Аҳмад Яссавийларни "янги маданият" эшигидан киритмадилар.

Худди шу ўринда миллийликка доир бир кузатишни ҳам айтиш лозим. Советлар миллийлик ёрдамида октябр инқилобини амалга ошириб, ҳокиматга ўрнашиб олгач, миллат ғоясига қарши бўлиб ташлаш йўли билан кураша бошладилар. Аммо 1941 йилдан фашистлар билан уруш пайтида масжидларни яна очдилар, фронтда миллий тилларда газеталар чоп этдилар, халқ санъаткорларини ҳарбий қисмларга келтирдилар. Нега? Ахир, улар бу маданиятни "қолоқ" ҳисоблардилар-ку?! Маълум бўлишича, давлатни қўлга олиш пайтида ёки уруш, хавф ҳолатида миллийлик, миллат туйғуси халқни бирлаштириш, кучайтириш қудратига эга. Зиё Кўкалп ҳам "Туркчилик асослари"да: "Уруш пайтида ватаний ахлоқ шиддатланиши"ни, хавф, таҳлика пайтида миллат уюшишини таъкидлайди. Душманни – фашистни енгиб олгач, яна миллийликка қарши кураш, фашистни енгиб, ўзида мужассам кучни сезиб қолган миллатлар совет тоталитаризми – синфий фашизм учун хавфли эди. Уруш тугар-тугамас, яна миллий қатағон йўли билан бутун-бутун миллатлар қириб ташланди, кучсизлантириш бошланди.

Шўролар миллат туйғусига қарши шу қадар изчил курашдиларки, мустақиллик замонида ҳам ҳали-ҳануз "миллат" сўзи айримларни чўчитади. Озодликнинг тўртинчи йилига келибгина, энди номида "миллий" сўзи бор партия – Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сиёсий майдонга чиқди. Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчи эдик: айни шу пайтда – Давлатимиз асослари қўйилгач, Конституция ва қонунлар яратилгач, жаҳон ҳамжамияти танигач – 1995 йилнинг баҳорига келиб, республика Президенти Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузаларида бутун бир бобни "Миллий хавфсизликни таъминлаш тамойиллари"га бағишладилар, миллий манфаатларнинг ҳимоясига доир "Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси асослари" ҳам эълон қилинди. Бу давлатона қадамларнинг Миллий тикланиш демократик партияси билан бир пайтда майдонга чиққанини назарга олсак, миллий давлатчилигимиз янгича сифат боскичига, етуклик поғонасига кўтарилганини кўрамиз.

Миллат инсон учун қандай маъводир? Одам ўз эли орасида туғилади, яшайди ва ўлади. Балким шунинг учундир, инсон ўзини ўраб турган халқини қандайдир табиий қабул қилади, у ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ҳолбуки, миллат – оламдаги энг мўъжизавий ҳодисадир, табиатнинг гўзал тилсимидир. Миллатлар қайдан ва қандай пайдо бўладилар? Қандай куч уларни асрлар бўйи қувватлаб келади? Миллий низолар, иркий қирғинларнинг минг йилларидан сўнг ҳам одамият айнан миллат бўлиб қолди-ку?! Миллатсиз инсон йўқ-ку! Бу саволлар ҳақида деярли ҳеч ким ўйламади. Ўйлаганлар ҳам аниқ бир жавобда тўхтаган эмаслар.

Инсонга халқи, миллати нега керак, деган саволга эса унча-бунча жавоб берса бўлади. Миллатга даҳлдорлик Инсонни унинг Тарихига, Бугунига ва Келажагига ҳам доҳил қилади. Одам миллати сафида ўз бетакрорлиги ва салоҳиятини сезади ("Ёлғиз отнинг чанги чиқмас..."), тирикликнинг юксак маъносига ета бошлайди. Табиат – инсоннинг жисмоний яшаш муҳити бўлса, миллат – ижтимоий-руҳий яшаш муҳитидир. Табиатнинг намоёни – сув, ҳаво, олов, тупроқ бўлса, миллатнинг намоёни, менинг назаримда, миллий тил, тарих, тафаккур, санъат, маданият, урф-одат, ақидалар силсиласидир. Ҳавосиз инсон бўғилади, сувсиз ташна бўлади, оловсиз музлайди, заминсиз ҳалокатга учрайди. Худди шундай тилдан, тарихдан, маданий-маънавий меросдан мосуво миллат руҳан ўлади. Табиатдан айрилган инсон жисман йўқолса, миллатдан ҳоли одам руҳан ўликдир. Шунинг учун тарихдаги миллатни, миллиятни йўқотишга бўлган барча уринишлар тирикликнинг ўзига зид келди ва ҳеч қачон натижа бермади. Қириб юборилган халқлар ўрнида шакланган янги халқлар ҳам яна миллат моҳиятида юз кўрсатавердилар. Зеро, миллатсиз халқ йўқдир. Табиатга бўлган ғайри муносабатлар экологик фожиаларга олиб келгани каби миллиятга қилинган ҳужумлар ҳам тирикликни инқирозга судрайди. Қолаверса, миллий эҳтиёжлари қондирилмаган одам ўз мамлакати тақдирига бефарқ бўлади, ўз ҳаётида маъни тополмайди, эрлар шаробу гиёҳга ружу қўядилар, аёллар туғмоқдан қочадилар, чунки миллатга, халққа боғланмаган одам учун наслни ҳам кимга, ким учун қолдириш жумбоқдир.

Миллият – одамнинг заминидаги ягона табиий яшаш тарзидир. Одам дунёда миллат вакили сифатидагина воқеъдир. Хўш, нега тоталитар давлатлар миллиятга қарши курашадилар, миллатпарварларни қатағон қиладилар? Чунки ҳазрат Алишер Навоий айтганлар: "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...". Ўзини топганлар кучли бўладилар. Ўзини топган халқ қудратлидир. Халқ ўзини миллиятда топади. Золим шоҳлар ўзини топганлардан, миллатини таниганлардан хавотирга тушганлар, чунки ўзини топганларни алдаб бўлмайди. Одил шоҳлар эса халққа ўзини танитганлар. "Темур тузуклари"да ҳам соҳибқирон миллатлари билан фахр этган эдилар. Юртбошимиз ҳам "Келажаги буюк давлат" ғоясини илгари сура туриб, ҳар гал умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъкидлаб келадилар. Зеро: "Давлат мустаҳкамлиги ва қудрати унинг жаҳон жамоатчилиги олдидаги маънавий-ахлоқий қиёфаси ва нуфузи билан ҳам аниқланди. Айни шу боис халқимизнинг, миллатимизнинг маънавий жиҳатдан уйғониши мустақиллигимиз, миллий хавфсизлигимиз гаровидир" (И. А. Каримов "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари", Тошкент, 1995 йил, 72-бет). Миллатимизнинг маънавий уйғониши мустақиллигимизнинг, миллий хавфсизлигимизнинг кафолати экани ўзини топмоқ – элнинг ҳам топгани ҳақидаги навоийона фикрга ҳамоҳангдир.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ – ИНСОНИЙ ҲАРАКАТ

Айни бугунга келиб "миллий уйғониш", "миллий манфаатлар", "миллий хавфсизлик", "миллий тикланиш" иборалари сиёсий луғатимизда пайдо бўлгани, миллат ҳақида сўзлай бошлаганимиз (ўйлай бошлаганимизга эса анча бўлди, тўғрироғи, ҳамиша ўйлаганмиз) мақбул бўлди. Чунки мустақиллигимиз анча мустаҳкамланди, давлатимиз асослари барпо этилди, фуқароларимизнинг миллий эҳтиросларини ҳам деярли босилди, миллий тафаккур куртаклари пайдо бўлди. Бошни эмас, "дўппини бошдан олиб" ўйлайдиган фурсат етди. Биз Тожикистон, Гуржистон, Озарбойжон, Арманистон, Чеченистон, Босния – Герцоговина каби "хўроз эрта қичқирган" посткоммунистик давлатларда айнан миллий низоларнинг қонли изини ҳам кўриб турибмиз. Ҳали эҳтирос совумай, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказилмай туриб, миллиятга эрк бериш шундай оқибатларга олиб келди. Бизда эса миллий уйғониш ҳаракати яқиндагина – етарли даражада барқарор замин яратилганидан сўнг бошланди. Бу тушунарли ва хайрлидир. Қолаверса, буюк аждодларимизнинг томиримиздаги қонини, азалий босиқлигимизни, элимизнинг донолигини – нимадир халқимизни бугун ҳам биродаркушликдан асради. Қийинчиликлардан безиб бир-биримизга ташланмадик, ўраги катта, бағри кенг миллат эканимиз яна бир бор кўринди. Тарих – урушлардан иборат, дейдилар. Қанча халқлар изсиз кетдилар. Модомики, минг йиллардан буён миллатимиз яшаб қолаётган экан, демак, у яшовчан, "қонида қилич ўйнаган", ҳаёт истаги бор. Хотираси узун, ўйлови чуқур, буюк ва бутун миллат – туркийлар.

Хўш, миллий уйғониш, элнинг қудратидан ғанимлар қўрқиши, миллийлигимизни парчалашга уриниши тушунарли, аммо нега оддий одамлар ҳам миллийликдан, миллатварварликдан чўчийдилар? Бу советлар ташвиқоти асоратидангинами?

Бир нарсани аниқ тасаввур этиш лозимки, миллий зулм, миллий низоларни миллийликни англаш эмас, миллийликни қувғин қилиш келтириб чиқаради. Уруш – жанжаллар миллий онг туфайли эмас, аксинча, онгсизлик туфайли юз беради. Шовинизм – ўзини англашдан эмас, англай олмасликдандир.

Халқда ҳамиша миллият, миллий ғоя яшайди. У енгилмас эканини, хусусан советлар тарихи ҳам кўрсатди. Миллий онг, миллий тафаккур қатағон қилинмаслиги керак, аксинча, халқдаги миллий эҳтиросларнинг ҳаҳоний оқимга солиниши лозим. Миллий фирқа ҳам ана шундай замонавий йўлдир. Миллий йўналишдаги партия миллий эҳтиёжларини қондиради ва сиёсий майдонда иноқиқос этади, акс ҳолда қондирилмаган миллий талаблар жунбушларга эврилиши мумкин.

Халқимизнинг миллий уйғониши – янгича даврнинг ибтидосидир. XX аср интиҳосига келиб, одамзод шуни англадики, ҳар бир миллат инсониятнинг бир қисми ва бетакрор бойлигидир, асло тараққиёт йўлига тўсиқ эмасдир. Бир одамсиз халқ – кемтик, бир миллатсиз инсоният қашшоқроқдир. Миллатни, миллийликни йўқотиш шахсни, ўзликни йўқотиш сингари фожиалидир. Оқиб бораётган сувда ҳаёт мавжуд, зеро турли тезликда ҳаракат қилаётган молекулалар бор, агар шу сувдан бир идишга олиб қўйсангиз, аввал тинади, кейин айнийди ва ўлик сувга айланади. Инсоният ҳам миллий ирмоқлар қуйилиб турадиган дарёдай ҳаракатланиб, жўшиб боради. Инсоният тириклиги миллатлар биландир. Миллий ўзликни йўқотиш шахсий йўқотиш каби ҳалокатлидир.

Туркистон халқининг, шу жумладан, ўзбек халқининг миллий уйғониши ҳеч кимни хавотирга солмаслиги лозим.

Совет тузумининг кирдикорлари учун айбни бирор бир миллатга қўйиб бўлмайди, айб умумийдир, тавба-тазарру ҳам умумий бўлиши лозим. Инқироздан халқлар биргалашиб, ҳамжиҳат чиқмоқлари тўғрироқдир. Миллий адоватларни қўзғаш эса мустақиллик, миллий уйғониш ғанимларига қўл келади. Миллий эҳтиросларнинг ёрдамида вазиятни барқарорлаштириш, ҳокимиятга талпиниш осон, аммо миллий онги уйғонган халқлар энди эркларини қўлдан бермаслар.

Миллий уйғониш – барча халқлар учундир.

Миллийлик ўзбеклар учун ҳам, руслар, қозоғу қирғизлар, тожику туркманлар, украин ва латишлар учун ҳам баробардир. Бугун бир нарса аён – келажак миллатларнинг йўқолиши билан эмас, аҳиллиги ва ранг-баранглиги биландир.

Ана шу қутлуғ мўлжални тўғри олиб иш бошлаган ва қарийб ўн йилдан буён фидойиларча ишлаётган, юз кўрсатиб келаётган "Миллий тикланиш" газетасига боқийлик ва қуч-қувват, янги-янги муштарийлар тилайман. Миллий ҳаракатнинг сафлари кенгайишини истайман.

Карим БАҲРИЕВ,
"Internews-Netwok" халқаро ташкилоти ваколатхонаси директорининг ўринбосари

Бизга жавоб берадилар

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ

«Миллий тикланиш» газетасининг 2003 йил 4 феврал сонида берилган М. Исмоилованинг «Елиб-югуриб... чипта сотишмади» мақоласида тилга олинган ҳолатлар юзасидан Урганч шаҳар ҳокимлиги назорат гуруҳи томонидан Урганч Темир йўл шоҳбекатлари шу йил 1 апрелда ўрганиб чиқилиб, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун кўрсатмалар берилди.

4 апрел куни Урганч Темир йўл шоҳбекати бошлиқ вазифасини бажарувчи А. Ҳасанов ишчи-хизматчилари иштирокида шу масалада йиғилиш ўтказилиб, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган чипта сотувчи кассир Л. Минжановага ва навбатчи вокзал бошлиғи ёрдамчиси К. Ҳасановга ҳайфсан эълон қилинди, бундай ҳолат яна қайтарилган тақдирда вазифасидан озод қилишгача бўлган чоралар кўрилиши юзасидан огоҳлантирилди. Йиғилишда бундай камчиликларни бартараф қилиш учун кўрсатмалар берилди.

Г. ЮЛДАШЕВ,
Урганч шаҳар назорат инспекцияси раҳбари

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИЛМОҚДА

"Миллий тикланиш" газетасининг жорий йилнинг 15 апрел сонида чоп этилган Дилором Қўзижоннинг "Инглиз тили ўқитилса... ёки жаҳон билан мулоқот ришталари" сарлавҳали мақоласи вазирлик мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Мақолада таълим муассасаларида хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини ўрганиш, ўқувчиларни ва мактаб кутубхоналарини бадиий, ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш каби долзарб масалалар кўтарилган. Дарҳақиқат, тилларни, хусусан, хорижий тиллардан бир ёки бир нечтасини эгаллашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Буни таълим тизими ходимлари ҳам, ота-оналар ҳам, фарзандларимизнинг ўзлари ҳам ҳис қилишмоқда. Ҳамма гап – ана шу эзгу ниятларга қай йўл, усул ва воситалар билан етишишда, бунинг учун тегишли шарт-шароитларнинг яраталишида, деб ўйлаймиз.

Истиқлолдан кейинги даврда фарзандларимизнинг хорижий тилларга, шу жумладан, инглиз тилига боғча ёшидан бошлаб ўргатишга етарлича аҳамият берилмоқда. Жумладан, мазкур ўқув йилида республикамиздаги 6865 та мактабгача таълим муассасаларининг 2500 гуруҳида 55 мингдан зиёд болалар инглиз тилини ўрганишмоқда. Гуруҳ машғулотлари учун зарур қўлланма, тавсиялар яратилган ва жойларга етказилган.

Амалдаги ўқув режасига биноан республикамиз умумий ўрта таълим мактабларининг 5 – 9 синфларида ҳафтасига уч соат, 10, 11-синфларида эса икки соатдан инглиз тили ўқитилиб келинмоқда.

Республикамиздаги 9692 умумий ўрта таълим мактабининг 5220 тасидаги 96646 синфда (55,5% да) 2 257 617 нафар ўқувчи инглиз тилини ўрганмоқда. Шу жумладан, 959 мактабнинг 5343 синфида (137059 ўқувчи) инглиз тили чуқурлаштирилган режа ва дастурлар асосида ўқитилмоқда. Уларга 14 мингга яқин инглиз тили мутахассислари сабоқ беришмоқда.

Хорижий тиллар, шу жумладан, инглиз тили бўйича замонавий усуллардаги, ўқувчилар ёши, иқтидори, қобилиятига мос дарслик ва қўлланмаларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Буни ҳисобга олган ҳолда 2000 – 2003 йилларда 5 – 9 синф ўқувчилари учун Республика Таълим маркази ҳузурида ташкил этилган ижодий гуруҳлар томонидан ДТС асосидаги янги дарсликлар туркуми яратилди ва чоп этилди. Масалан, 5 – 6 синфлар учун Л. Жўраев, С. Хан, Р. Зиряновa ва бошқаларнинг "FLVHICH ENGLISH" дарслиги (2000, 2001), "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилди. Е. Волкова, И. И. Тзерт, А. Тенналар томонидан 7-синфлар учун тайёрланган "English Matters" дарслиги ва қўлланмаси (2002 й.) И. Лее, Н. Тзарикова, Н. Зокирова, А. Теннатларнинг 8-синф "English Matters" дарслиги ва қўлланмаси (2002 йил) "Макмиллан", Л. Жўраев ва бошқаларнинг "SLV HIGH ENGLISH" дарслиги (2002 й.) "Оксфорд" университети ва республикамиз инглиз тили мутахассислари томонидан тайёрланди ва чоп этилди. 10 – 11 синф ўқувчилари Ж. Жалоловнинг "Инглиз тили" дарслиги (2000 й.) асосида таҳсил кўришмоқда.

Айтиш керакки, бугунги кунда умумтаълим мактабларининг кутубхона жамғармаларини етарлича миқдордаги дарсликлар, бадиий, ўқув-методик адабиётлар, шу жумладан, хорижий тиллардаги адабиётлар билан таъминланишида муаммолар, етишмовчиликлар бор, албатта. Вазирлик бу масалаларнинг ижобий ечими хусусида жойлардаги ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар билан муайян ишларни амалга оширмоқда.

Назаримизда, мақолада айрим эътирозли, баҳсталаб ўринлар ҳам мавжуд. Чунончи, сарлавҳа мақола мазмунига мос эмас. "Инглиз тили ўқитилса..." деган жумлани ўқиган газетхон "Ие, ҳали республикамизда инглиз тили ўқитилмас экан-да!" деб таажжубга тушиши табиий. Мақола муаллифининг республикамиз умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасаларида инглиз ва бошқа хорижий тилларнинг ўқитилиши, унинг ҳозирги аҳволи, муаммолари, дарслик ва ўқув қўлланмалар, кадрлар таъминоти масалалари бўйича етарлича маълумотларга эга эмаслиги, мақола умумий гаплардан иборат бўлиб қолганлиги кўриниб турибди. Ҳолбуки, мақола муаллифи Республика Таълим марказининг хорижий тиллар бўлимидан барча масалалар юзасидан етарлича маълумотлар олиши фойдадан ҳоли бўлмасди.

***

Сизнинг Халқ таълими вазирлигига 2003 йил 18 апрелда йўллаган 18-сонли хатингиз, ҳамда "Миллий тикланиш" газетасининг 2003 йил 15 апрел сонида босилган Дилором Қўзижоннинг "Инглиз тили ўқитилса... Ёки жаҳон билан мулоқот ришталари" сарлавҳали мақоласи Республика таълим маркази чет тиллар бўлими методистлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Мақолада муаллиф умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилининг ўқитилиши ижтимоий зарурат даражасида оммавий қамровга эга эмаслиги, инглиз тилини барча ўрта ва махсус таълим мактабларида жорий этилиши кераклиги, ҳамда инглиз тилини осонроқ ўрганишда рус тилидаги мавжуд адабиётлардан уларни ўзбек тилига таржима қилган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида тўхталиб ўтган. Дилором Қўзижоннинг юқорида келтирилган фикрлари айни пайтда бир оз ҳақиқатдан йироқ десак хато бўлмас. Давлат Таълим Ст

ДИЛДАГИНИ АЙТГАНДА

Эришдек туюлмасину, менда газетанинг биринчи сони сақланиб турибди. Кейинчалик ўзим ҳам таҳририятга мақолалар юбордим. Чоп этишди. Тўғри, ҳозир газеталар ҳам анча кўпайди, ҳатто уларни баъзиларининг номини эслаб қолиш ҳам қийин. Ўзимиз билган марказий газеталар қаторидан ўрин олган «Миллий тикланиш»нинг ҳам ўз муштарийлари бор. Газета таҳририяти ҳам қўл қовуштириб «ичимдагини топ» дейдиганлардан эмас. Чоп этилаётган мақолалар мавзуси ҳам турли-туман, қуюнчаклик билан ёзилган мақолалар ва хатлар кўп. Айниқса, ҳажвий чиқишлар «ичак узилди» гаплар ўзининг ижтимоий салмоғига эга эканлиги билан диққатни тортади.

Газетанинг ўз овози ва ўз фикри бор. Гапни тушунишга осон қилиб очиқчасига айтади. Президентимиз ҳам «Ютуқлар ўзимизники, кўпроқ камчилик ва нуқсонларни ёритиш» лозимлигини кўп таъкидлаши бежиз эмас. Шу маънода газета тўғри йўлдан боряпти десак ўринлидир. Айниқса, талабаларни шартнома асосида ўқитиш мавзусидаги танқидий-таҳлилий мақолалар ва шунга акс садо тарзида берилган фикр-мулоҳазалар менга жуда маъқул бўлди. Кўпчиликни анчадан буён ўйлантириб келаётган муаммони «МТ» ўз саҳифаларида кўтариб чиқди. Тўғри, ҳозир бозор иқтисодиёти, лекин ҳар бир режа ва ишда ҳам меъёр, имкон чегараси бор. Илм-урфон бу жиҳатдан алоҳида масала. Айтгандай, бу ҳақдаги кейинги чиқишларга тегишли вазирлик ва идоралар муносабат билдирсалар ёмон бўлмасди. Фақат сўнгги пайтларда ҳафталик газета ҳам «ойлик»ка ўтиб, бироз «оқсоқ»ланиб қолаётгани афсусланарли. Бу ёғи ҳомийларга боғлиқ. Газета ғазнасида мақолалар бисёр. Савобли ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши кераклигига амал қилсак, газета ҳам аввалгидек «лаббай» дейдиганлардан.

Хуллас, кўпчиликка севимли, партиянинг юзию кўзи бўлган «МТ»га кенг ва равон йўл, ижодкор таҳририят ходимларига омад тилаймиз.

Каримжон ТОЙЖОНОВ,
биология фанлари доктори

АЧЧИҚ, АЧЧИҚ, АЧЧИҚ, ЛЕКИН РОСТ...

Кейинги пайтлари «МТ» ёшлар ҳаётига чуқурроқ назар ташлашга, уларнинг ўй-фикрлари, интилиш ва муаммолари билан қизиқишга имкон қадар ҳаракат қилмоқда. Ўз навбатида ёшларимиз ҳам газетага бефарқ қолмаяптилар.

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети бир гуруҳ талабаларининг қуйидаги мулоҳазалари ҳам ўзаро маънавий мулоқотларимизнинг бир ифодаси каби.

КЎНГИЛ ТОПИШ ОСОНМАС

Баъзан бир қараганинмизда республикамиздаги газеталарнинг мақсад-моҳияти деярли бир қолипга тушиб қолгандек кўринади. Ҳаммасида кўтариб чиқилаётган муаммолар, ёритилаётган ютуқлар худди биргаликда умумий мавзу қилиб олингандек туюлади. Агар газетанинг «шапка»сига қарамасангиз, қайси нашрни ўқиётганингизни фарқи йўқдек бўлиб кетади. Шунда ўйлаб қоламан, демак, ҳар қандай нашрнинг унинг қандай эканлигини англатиб туриши учун ҳам шахсий «характери» бўлиши керак экан.

«Ҳуррият», «Моҳият» газеталарида мана шу «характер» яққол кўзга ташланади. Бу маънода бемалол қатъият билан «Миллий тикланиш» газетасини ҳам тилга олиш жоиз.

Ҳар бир ёритаётган мавзуларида, очиғини айтсам, ушбу газета шунчаликдан кечиб қўйган. Жиддий ёндашув, ҳақиқат изидан изланиш, холисликка эришиш, фикр-мулоҳазаларни миллий руҳ билан кенг омма ихтиёрига талаб даражасида етказа олиш бугунги газеталар учун турли кечмоқда. Дадил сўзни айтиш учун ҳалигача «юрак» етишмаётгандай.

Худди шу мураккаб жараёнда — умумсиёсий газеталар сони жиҳатидан бошқа хил газеталардан камроқ пайтда «Миллий тикланиш»нинг ўзига хос дадил овози ва аниқ йўналиш билан фаолият олиб бораётгани қувонарли.

«Аср муаммолари», «Фикрлашув», «Кутилмаган нигоҳ», «Табиат ва биз» каби кўплаб долзарб рукнлар остида бериб борилаётган мақолалар ўқувчи эътиборини қозонишига шубҳа йўқ. Газетанинг ютуғи шундаки, у мақолаларга биз кутгандек жиддий ва чуқур, асосийси миллий нуқтаи назар билан қарай олади.

Тўғри, мен ва бошқа ўқувчилар мазкур газетанинг низоми билан таниш эмасмиз. Фақат биз кўнглимизга яқин олишимизга сабаб газета ҳеч қайси мавзудан ўзини чекламайди. Қайси соҳага оид мавзуни олиб чиқса, маромига, мўлжалланган манзилга етган бўлади ўша мавзу.

Ёшлар ҳаёти ва тарбиясига, хусусан ёш кадрлар (талабалар) фойдасига жуда кўп мақолаларни ўқийман. Ёшлар ҳақида, келажак ҳақида қайғураётган нашрнинг эртасини, демак, ёшлар яратади. Ёшлар газетанинг бор юкини эртага ўз елкаларига оладилар. Шунинг учун ҳам «Миллий тикланиш» узлуксиз давом этади. Бугунги газеталар ичида ўз ўқувчиси билан чин дилдан, самимий тиллашаётган «Миллий тикланиш»га омадлар тилаймиз.

Носиржон ЖЎРАЕВ

СИЗ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?

Партия ўз номига монанд ишлари билан ўз ғоялари йўлида миллат учун хизмат қила бошлади. Дўст ачитиб гапиради, дейишади. Шу нақлга амал қилган ҳолда мен ҳам партияга дўст сифатида партия ҳозир ҳеч нарса қилмаяпти, партиянинг борйўқлиги ҳам билинмаяпти, буни ўзингиз қандай изоҳлайсиз ва бошқалар қандай изоҳлайдилар, деб сизларга мурожаат қилиб сўраган бўлар эдим. Балки бу кўпчиликнинг саволидир.

Сиёвуш ҲОШИМОВ

БИР БОР ЎҚИБ...

Тўғрисини айтсам, «Миллий тикланиш» партиясининг асосий йўналиши, фаолияти, бугунги кундаги ишлари ҳақида деярли маълумотга эга эмаслигим ҳақида жиддий ўйлаб қолдим. Мазкур партия томонидан нашр этилувчи «Миллий тикланиш» газетасини ҳам мунтазам кузатиб бормаганман. Фақат шу йил феврал ойи сонидаги контракт тўғрисидаги мақола менда қизиқиш уйғотди. Унинг шу битта сонини ўқибок, демак, газета халқнинг дардини айтиб, муаммолари ҳақида ёзиб чиқар экан, деган хулосага келдим.

Саида ҚОРАБОЕВА

НЕГА «ЕЛКА ҚИСИШАДИ?»

Кўпчиликнинг фикрича, бугунги кунда партияларнинг фаолияти, уларнинг борлиги деярли сезилмайди. Лекин ўша ватандошларимиздан партия дастурлари у ёқда турсин, нечта партия борлигини сўрасангиз, елка қисишади. Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай 5-10 мингдан ортиқ кишини ўз ғоялари атрофида бирлаштира билиш ҳам мақтовга арзийди. Бугун 8 ёшни қаршилаётган Миллий тикланиш демократик партияси ҳақида гапиришдан олдин шуларни ўйладим. Мамлакат тараққиёт йўлини миллий тикланишда деб билган партиянинг келажаги бор. Ўзини билган, Ватан туйғусини ҳис қилган, ўзбекман деб кўкрак керган ватандошларимиз бор экан, МТДП ҳам бор! Муҳими, эса ўз фикр-ғояларидан бир қадам ҳам четга оғишмасликдир.

Талаба

ИСМИНИ ЖУДА ЯХШИ КЎРАМАН

Кутубхонамизга кўп газета-журналлар келади. Синфдошларим нуқул "Даракчи", "Ёш куч"ларни ўқишади. Улар ҳам жуда қизиқарли. Аммо мен кўпроқ "Миллий тикланиш"ни ўқигим келади. Мен бу газетанинг отини яхши кўраман. Нимагалигини айтолмайман, биламан-у тушунтириб беролмайман.

Қолаверса, "Миллий тикланиш" болаларга кўп эътибор беради.

Ҳатто, лицей ўқувчиларининг иншоларини ҳам эълон қилган. "Бизнинг анкета"да ҳам биз – талабаларга тегишли саволлари кўп. Бизга катта одамдай, дўстдай қарайди бу газета. Фақат тез-тез чиқса дейман...

Жийда гулин иси гупурар,
Изимизда қолиб кетди қиш.
Тушимизга дарёлар кирар,
Руҳим сенсан, "Миллий тикланиш".

Мен бир баҳор, дунё бир баҳор,
Хаёлимда умид урар ниш.
Хатларингда ҳаёт иси бор,
Камол топгин, "Миллий тикланиш!".

Феруза АБДУҚАҲҲОРОВА,
Тўрақўрғон банк ва иқтисодиётга йўналтирилган мактаб-интернат ўқувчиси

бойликларимиз ҳақида сўз юритиладиган кўплаб мақолаларга бефарқ бўлиш шу бойликларимизга бефарқ бўлишдай туюлади менга.

Назаримда, бу нашр бизнинг миллийлигимиз, ўзлигимиз учун хизмат қиладигандек...

Навбаҳор РАҲМОНОВА

ПАРТИЯ ОВОЗИ

Кўппартиявийлик — демократик давлатларга хос бўлган тизим, барча партиялар Ватан тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биз дунёга юз тутадиган бугунги ҳаётимиз ютуқ ва муаммоларини, даврнинг муҳим масалаларини ёритиши билан замонамизнинг илғор газеталаридан саналади.

Анвар ЮСУПОВ

ЎЗ ВАҚТИДА ЧИҚИБ ТУРСА

Мазкур партия фаолияти ҳақида мен тўлиқ тасаввурга эга эмасман. Партия фаолиятини ёритувчи нашр «Миллий тикланиш» газетаси ҳақида қуйидагиларни айтишим мумкин. Газета мамлакатимиздаги ижтимоий янгиликларни, ўзгаришларни ёритишда бошқа газеталардан қолаётгани йўқ. Газета сиёсий, маданий ва илмий янгиликларни ҳам ўз саҳифаларида бериб бормоқда. Партия фаолиятига доир мақола ва хабарлар ҳам онда-сонда берилади, кўп учратмаганман.

Газетани ўқиса, кузатиб борса бўлади. Фақат ўз вақтида чиқиб турса...

Азиза ХАИТОВА

«МТ»НИ КИМЛАР ЎҚИЙДИ?

Баъзида курсдошларим бу партия у ишни қилди, яна бири бу ишни қилди деб қолишади. «Миллий тикланиш» партияси ўз ғояларини асосан ҳафталик нашри «Миллий тикланиш» газетасида эълон қилиб боради. Афсуски, партия нашридаги муҳим мақола ва мавзуларни ҳамма ҳам ўқиш имконига эга бўлавермайди. Бунинг асл сабаби, унинг адади бор-йўғи 2000 нусхани ташкил этишидадир. Кейинги пайтда ёшлар орасида ҳам бу партияга ишонч ва талаб ортиб бормоқда. Бу албатта ижобий ҳол. Партиянинг саккиз йиллиги арафасида ўз таклифларимни ҳам билдириб ўтсам: партия сафларида ижодкор, фидойи ва талабчан ёшларнинг кўпайишига жиддий эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, газета кўп минг нусхаларда ҳафтада 3-4 марта чоп этиб ўз ўқувчилари қўлига, барча қишлоқлар аҳолисига етказилса, шу орқали ҳам «Миллий тикланиш» партиясининг ўзига хослиги ёрқинроқ намоён бўлади, республикамизнинг энг етакчи партияларидан бирига айланади.

Иззат ЭШБОЕВ

Бизнес форумдан кейинги ўйлар

ПУЛИДАН ТАШВИШ ЧЕКМАНГ

ЖАНОБ ЖАН ЛЕМЬЕРГА БЕРИЛМАГАН БИР САВОЛ

Ақлим бору пулим йўқ деган экан мутоиба билан бир донишманд. Буни кўп эзгу ишлар қилишни истаган, ўзи ёки ўзгалар учун кўплаб фойдали амалларни режалаштиришга ақли, билими етадиган, лекин режалар амалиётига зарур молиявий манбаларга эга бўлмаган кишининг гапи дейиш мумкин.

Ҳозирда компютер орқали ёки тўғридан-тўғри ақл ўйинлари, заковат синовларида, турли мавзу ва йўналишлардаги танловларда лойиҳалар билан қатнашиб грант соҳиби бўлиш дунёвий миқёсларда анъанага айланиб улгурди. Ва бундай лойиҳалар, айниқса, ривожланган мамлакатлар ҳаётида муҳим ижобий самараларни бериб келмоқда, улар инсон интеллектуал салоҳиятидан фойдаланишни ана шундай ҳар томонлама ташкил эта борадилар. Бу — ақлинг бўлса, пулинг ҳам бўлади дегани аслида. Шу маънода сўзимиз бошидаги иборани айтган донишмандлар бугуннинг ақли расо кишиларига ҳавас қилса арзийди.

Майли, мақсадга ўтайлик. Ахир, глобал муаммо бўлган Орол денгизини ҳаётга қайтариш учун мукаммал, ижроси чинакам натижа берадиган, халқ тили билан айтганда, жўяли бир лойиҳа бўлса, унинг амалга оширилиши учун пулидан ташвиш чекмаслигимиз ҳақида гап кетяпти. Лекин чиндан ҳам денгизни сув билан таъминлашга доир лойиҳа ишлаб чиқилса (ёки ишлаб чиқилган бўлса) ва Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ) кенгаши томонидан кўриб чиқилиб маъқул деб топилса, мазкур банк ушбу лойиҳани ҳозирданоқ маблағ билан таъминлайди. Бу ҳақда мазкур нуфузли банк президенти Жан Лемьер жаноблари ЕТТБнинг Тошкентда бўлиб ўтган йиллик йиғилиши доирасида журналистлар билан ўтказган матбуот анжуманида таъкидлади. Бу сўзлар журналистлардан бирининг Орол муаммоси юзасидан берган саволига жавобан айтилди. Жаноб Жан Лемьер мазкур йўналишдаги мавжуд лойиҳаларнинг аксарияти Оролбўйи аҳолисига моддий ёрдам, тиббий хизматлар кўрсатиш, минтақа экологик вазиятини маълум даражада юмшатиш ва шу кабиларга қаратилганлиги, бундай лойиҳалар инсонпарварлик нуқтаи назаридан ижобий баҳоланса-да, айнан Орол денгизини тиклаш, муаммони ҳал қилиш билан боғлиқ амалларни бажаришга асос бўлолмаслигини билдирди.

Табиийки, ҳар қандай касалликни даволаш, уни кенг тарқалишининг олдини олиш, шубҳасиз, касалликни тарқатувчи манбалар билан шуғулланишни тақозо этади. Муаммолар ҳам шундай аслида. Дейлик, арикдан сувни челак билан олиб уни тозалаб яна ариққа қуйиш машқи билан ифлосланган ариқ сувини тозалаб бўлмайди. ЕТТБ президентининг айни манба бўлган Орол денгизини ҳаётга қайтариш зарурлигига урғу бериб гапиргани ва бу борадаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга банк ҳамиша тайёр эканлигини, айни пайтда ЕТТБда бундай лойиҳалар йўқлигини тилга олгани ҳам, бизнингча, бежиз эмас. У бу масалада нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиз, хусусан, Қирғизистон сув ресурсларидан ҳамжиҳатликда оқилона фойдаланиш зарурлигини ҳам айтиб ўтди.

Лекин бу ўринда дабдурустдан битта савол туғилиши мумкин. Одатда, банкларнинг берадиган маблағлари банкка фойда келтириши, жуда бўлмаганда берилган маблағнинг ўзи инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда қайтарилиши зарур (хайрия, ҳомийлик ёрдамлари бундан мустасно, албатта). Орол эса бирор корхона, завод ёки фабрика эмас, денгизни тиклашгача бўлган ҳар қандай мукаммал ва самарали лойиҳада ҳам ўз ижроси учун кетган маблағни сувдан бошқа шаклда қайтадан юзага келтиришни назарда тутиб бўлмайди. Балки биз янглишаётгандирмиз, лекин бундай лойиҳалар фақатгина ҳомийлик ёрдами сифатида маблағ билан таъминланади деб ўйлаймиз. Жан Лемьер жаноблари ҳам масаланинг бу жиҳатига таҳлил билан қараб пулнинг қайтиш-қайтмаслигини назарда тутиб журналистнинг саволига жавоб берганига шубҳа қилмадик. Ва бу каби лойиҳаларни молиялаштиришга сарфланадиган маблағнинг қайтарилиши ҳақидаги саволимизни беришга ҳожат йўқ деб ўйладик.

Демак, гап фақат ижроси самара беришига ЕТТБ кенгашини ишонтира оладиган, ҳар томонлама чуқур таҳлил ва ҳисоб-китобларга таяниб тайёрланган лойиҳа ёки лойиҳаларни ушбу банк эътиборига ҳавола қилишда қолмоқда. Юртимиз Ўзбекистонда қанчадан-қанча академик олимлар, фан арболари, фан докторлари, фан номзодлари, профессорлар борлиги, уларнинг катта илмий салоҳиятлари энди бир илинж кутаётган кўҳна денгизимизга умид бағишласа деймиз. Шу билан бирга, ўз пулини фақат самарали сарфлашга одатланган европалик бой-бадавлат кишилар денгизни ёмғир суви билан тўлдириш ақл бовар қилмайдиган ортиқча сарф-харажатларни тақозо этадиган (пулни нақ кўкка совурадиган) таклиф ёки ҳамиша жўмраги ўзга мамлакатнинг қўлида қолувчи, сувнинг мунтазам келиб туришини бошқаларнинг иродасига боғлаб қўядиган Сибир сувларини келтиришга мўлжалланган каби лойиҳаларни маъқуллашга умид қилмаслигимизни таъкидлашни истар эдик. Қолаверса, Орол бир марта тўлдирилишдан ташқари денгиз сув билан доимий таъминлаб турилсагина унинг бугуни ва келажагига ишонч билан қараш мумкин.

Эҳтимол, Орол муаммоси мавзусида ЕТТБга тақдим қилинадиган лойиҳа босқичма-босқич амалга оширилади, яъни биринчи босқичга доир бажарилган ишлар кейин иккинчи босқич амалиётига банк томонидан маблағ йўналтирилади, ва ниҳоят, учинчи босқичга доир бажарилган ишлар ва ҳ.к. Ҳар бир босқичнинг ўз ҳисоб-китоблари, ўз ҳисобланган тарзда тузилса, бу мазкур лойиҳанинг қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкиндир. Чунки бунинг бир жиҳати, ажратиладиган маблағнинг қолган қисмини вақтинча ишлатиб туриш банк ихтиёрида қолади. Майли, булар ҳам бир шахсий мулоҳаза, албатта.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. ЕТТБ бундай кенг миқёсдаги лойиҳанинг ижроси учун зарурат туғилганда, дунёнинг бошқа нуфузли банклари ва хусусий инвесторларни жалб қилишга ёрдамлашиши мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Матбуот анжуманида, ЕТТБ президенти «бу борада бизда лойиҳалар йўқ» дер экан, юртимизда катта-катта илмий унвон ва даражаларга эришса олган етук олимлар, мутахассислар кўплиги бу маънода барчада умид уйғотиши табиий, албатта. Қолаверса, нафақат бизнинг ,балки минтақа ва минтақага яқин бир неча мамлакатлар олимлари худди шу мавзуда кўплаб йиғилиш ва илмий конференциялар ўтказиб, ўзаро фикр алмашиб келадилар.

Бу муаммо янада глобаллашиб бораётгани, дунёвий аҳамият касб этиб улгургани ҳаммага аён, балки шу боис жаноб Жан Лемьер унинг банк имконияти тақозо этадиган бир жиҳатига ойдинлик киритди — денгизни сув билан таъминлаш, Орол муаммосига доир лойиҳа молиялаштирилишини айтди. Бизнингча, бу — энг муҳими. Банк кенгаши аъзоларида туғиладиган саволларга илмий асосда жавоб бера олувчи, Орол учун нақ ҳаёт лойиҳасини яратиш денгиз қуриши билан боғлиқ юзага келган бошқа муаммоларнинг ҳам ўз-ўзидан ечилишига олиб келади.

Денгиз қирғоқларини сув бирлаштиради, бунинг учун керакли лойиҳа ва маблағни эса БИЛИМ бир жойга келтириши мумкин бўлиб турибди. Демократия шароитида яшаётган мамлакатлар маърифатли кишиларининг илмни қадрлаши, Инсон интеллектига берган чинакам юксак баҳоси, амалий эътибори шу бўлса керак.

Кўриниб турибдики, бугун ва бундан кейинги даврларда ҳам турли лойиҳаларни молиялаштиришнинг бу каби имкониятлари кенгая боради. Демак, бу имкониятлардан юрт манфаати учун фойдаланишга замин яратиб боришимиз биз учун муҳимдир. Иқтидорли ёшларимиз бундай саволларга ҳозирда олаётган билими заминида жавоб бера олиши, мамлакатимизга фойда келтириши аниқ. Орол муаммоси маърифат, инсон закоси билан шояд ўз ечимини топса, жаҳолат туфайли қуритилган денгиз илм қудрати билан ҳаётга қайтса, ажаб эмас.

Дилором МАТКАРИМОВА

ОЗ БЎЛСА ҲАМ СОЗ

Илк сонларидан бошлаб бир қўлланма сифатида фойдаланса бўладиган маърифий чиқишлар «МТ» саҳифаларидан мунтазам жой олиб келмоқда.

Газета фалсафий гурунглар рукни орқали дунёни билиш ва англашда моддийлик, илмийлик билан биргаликда руҳий мушоҳада қилишни ҳам бошлаб берди, бу атеистик қарашлардан кескин фарқ қилади. Коинот, биологик турлар, одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қатор мақолалар чоп этилганини таъкидлаш мумкин. Мазкур мақолалар давримизнинг долзарб масалаларидан бўлган янги педагогик технология ғоясига мутаносибдир.

Ўзбек миллий урф-одатлари, тўй, маъракa маросимлари ҳақида бизга удум бўлиб қолган ортиқча сарф-харажатлар ҳақида баҳсли мақолалар берилаётгани диққатга сазовордир.

Шуларга боғлиқ равишда миллат аёлларининг ҳақ-ҳуқуқлари, оиладаги маънавий муҳитнинг инсон шахси ва жамиятга таъсири ҳақидаги чиқишлар кўпчиликда қизиқиш уйғотиб, ўзаро баҳсли суҳбат мавзусига айланмоқда.

ХХ аср ва юртимиз ҳайвонот оламида юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи А. Аюповнинг қатор илмий мақолалари ўқувчи ва талабалар учун катта аҳамият касб этиб, республикамизнинг экологик ҳолатини ўрганишда қўл келадиган ҳужжат сифатида қимматлидир.

«МТ»да контракт асосида ўқиш-ўқитиш мавзуси изчил ёритиб келинаётгани маълум даражада маърифий ишларимизга ижобий таъсир кўрсатди ва шу жиддий ижтимоий масалага кўпчиликнинг диққатини қаратди десак янглишмаймиз, мулоҳазаларнинг давом этаётгани мавзуни атрофлича таҳлил қилиш ва тўғри хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Шунингдек, Иброҳим Ғафуровнинг «Бола маслаҳат беролмайдими?» номли мақоласида «ўқитувчининг ўқувчилардан совға олиши, ота-оналардан совға кутиши бу – ақл бовар қилмайдиган нарса» эканлиги очиқ-ойдин тилга олингани кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди, деб ўйлайман.

Севимли газетамиз мундарижаси, жамиятимиздаги ижобий ва муаммоли жиҳатлар унда қандай акс этаётгани ҳақида кўп мулоҳазалар юритишимиз мумкин, албатта. Лекин биз бошқа бир нарса хусусида ҳам айтгимиз келади. Очиғи, газетанинг мунтазам чиқиб турмаслиги, бунга имконияти йўқлигидан бироз ранжиган пайтларимиз ҳам бўлиб туради.

Зиёли нашримиз саҳифаларида келгусида дунёдаги фан-техника янгиликлари, юртимиз илмий-тадқиқот институтларида олимларимиз изланишларига доир мақолалар билан танишиб борсак деймиз.

Муҳсин ВАЛИХОНОВ,
биология фанлари доктори, профессор

ҲАЛОЛ ЎЙИН ҚОИДАСИ

Интеллектуал тараққиёт асоси нимада?

Фикрлашув

Барча фанлар ривожи ва умуман, инсониятнинг маънавий-интеллектуал камоли математиканинг қай даражада ривожланишига бевосита боғлиқ назаримизда, француз мутафаккири Огюст Конт (1798 – 1857)нинг фанлар таснифида биринчи ўринга математикани қўйиши, ҳозирги пайтда бошланғич таълимнинг арифметикадан бошланиши, барча табиий, гуманитар ва ижтимоий мутахассисликларга математиканинг чуқур кириб бораётганлиги асло бежиз эмасдир.

Математика соҳасида қилинадиган ҳар бир илмий кашфиёт ва янгиликнинг бутун жаҳонга зудлик билан маълум қилиниши ва бу янгилик бутун инсониятнинг муштарак ютуғи деб ҳисобланиши ҳам бежиз эмас. Спортда ўрнатиладиган ҳар бир жаҳон рекорди бутун Ер юзидаги ҳазрати инсоннинг жисмоний куч-қудрати, бардоши, имконияти қай даражага етганлигини кўрсатса, инсон спорт ўйинлари туфайлигина ғоят эпчил, ғоят чаққон, ғоят куч-қудратли ва сабот-матонатли бўлишга эришса, у математика туфайли ақлий камолот чўққиларини забт этиш, ҳақиқатга тобора кўпроқ яқинлашиш, нарга тушади, ақл тўғри ишлашга, тил рост сўзлашга одатланади. Математика инсондан собитқадамликни, диққатни бир нуқтага тўплашни, максимум ирода ва сабот-матонатни, жиддийлик ва ростгўйликни талаб этади. У инсонни тўғри ва изчил фикрлашга ўргатади.

Математик тафаккур инсон характери, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатида туб сифатий ўзгаришларни вужудга келтиради.

Математиканинг кўҳна Шарқ донишмандлари томонидан "риёзиёт", "алжабр" деб аталишида чуқур маъно бор: математика билан шуғулланиш руҳнинг изтиробланиши, ucубатли масалани ҳал этишга иродавий зўр беришдир. Буюк юнон файласуфи Суқрот таъкидлаганидек, риёзат чекиш, изтироб ҳамиша роҳатланиш билан ёнма-ён юради, бири иккинчисини тақозо этади. Худди тўлғоқдан изтироб чекаётган она фарзанд туғилиши биланоқ унинг изтироблари қувонч билан алмашгани сингари мушкул масала устида соатлаб изтироб чекаётган математик-олим масаланинг ечимини топиши биланоқ унинг бутун вужудини қувонч ҳисси қамраб олади. Бу – тана роҳати эмас, балки фақат инсонгагина хос бўлган, фақат угина ҳис этадиган маънавий-интеллектуал роҳатланишдир. Ғоят мушкул ва мураккаб назарий масалаларни ҳал этишга одатланган ақл учун кундалик ҳаётдаги ижтимоий масалаларни тез ва оқилона ҳал этиш ҳеч бир қийинчилик туғдирмайди.

Шу боисдан, эҳтимол, инсоният тарихида чуқур из қолдирган улуғ алломалар математика билан шуғулланишга завқли ва қизиқарли машғулот сифатида қарагандирлар.

Мусо Хоразмий ўзининг "Китоб ал жабр ва муқобала" (IX аср) асари билан математиканинг янги бир соҳаси – алгебрага асос солган, Оллоҳнинг ягоналиги, оламнинг бирлиги инсон ақл-заковати томонидан "бир"нинг англаниши билан боғлиқ эканлигини, агар 1 бўлмаганида 2 ҳам бўлмаслигини мантиқий далиллар билан исботлашга ҳаракат қилган эди.

Фан тарихчилари ҳозирги замон Европа фанининг дунёга келишини буюк француз математиги Рене Декарт номи билан боғлайдилар. Декарт инсон борлигининг субстанционал (моҳиятли) асоси сифатида унинг фикрлаш қобилиятини кўрсатган ва унинг"Мен фикрлаяпман, бинобарин, мен мавжудман" деган афоризми машҳур.

Миллий мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий тафаккур ва фалсафий дунёқарашимизда сифат ўзгаришлар рўй бера бошлади. Биз, ниҳоят, интеллектуал-маънавий тараққиётсиз ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмаслигига, халқимиз маънавиятини юксалтириш, илм-фанни ривожлантириш орқалигина озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мумкинлигига амин бўла бошладик.

Хўш, бизнинг маънавий-интеллектуал ривожланишимизга нималар ҳалақит беряпти? Нима учун жаҳон илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган улуғ аждодларимиз Ватандан ташқарида самарали илмий ижодий фаолият билан шуғулланганлар? Бундай адолатли, аммо оғриқли саволларга тўғри жавоб бермай туриб маънавий-интеллектуал ривожланиш ҳақида фикр юритиш қийин.

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг иқтисодий фаровонлигини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган ҳозирги шароитда халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг иқтисодий билим ва маданиятини юксалтириш ҳаётий заруриятга айланди.

XX асрда бутун инсоният ҳаётида рўй берган барча мўъжизалар: космонавтиканинг равнақи, сунъий ақл (кибернетика)нинг яратилиши, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ва бошқалар, ҳеч шубҳасиз, математика фани эришган буюк ютуқлардир.

Ўзбекистонда математика фани ривожида катта ютуқларга эришилган, Т. Н. Қори-Ниёзий, Т. А. Саримсоқов, С. Ҳ. Сирожиддинов, М. С. Салоҳитдинов, Т. Д. Жўраев, Ш. У. Фармонов сингари ўнлаб жаҳонга машҳур академикларимиз билан ҳақли равишда фахрлана оламиз.

Кодиркул РЎЗМАТЗОДА,
файласуф

ЖИНОЯТГА КИМ ЕТАКЛАДИ?

ТАРБИЯГА МУҲТОЖ ТАРБИЯЧИЛАР

Ёшларимизни билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда ҳар хил норасмий диний оқимлар таркибига кириб қолиш ҳолларининг олдини олиш жуда муҳим. Бу борада вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар, таълим муассасалари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилди.

Яқинда Гурлан туманидаги бир дўкондан кўп миқдордаги товар моддий бойликлари ўғирланган. Ўғирликни содир қилганлар вояга етмаганлар эди. Уларни бу жиноятга профилактик ҳисобда турган шахс чорлаган ва бошчилик қилган. Аммо икки нафар ўспириннинг жиноят кўчасига қадам қўйишига биргина шу шахс сабабчими? Жиноятчиликка мойил бўлган шахсни ўз ҳолига ташлаб қўйган ИИББ ВЕОХООГ ходимлари кўпроқ айбдор эмасми? Аниқланишича, мазкур гуруҳдаги 3 нафар ходим 159 кун давомида бошқа ишга жалб қилинган. Мана оқибати... Дарвоқе, жиноят содир қилаётган вояга етмаганлар шахсиятини таҳлил қиладиган бўлсак, кўпгина ҳолларда улар профилактик ҳисобга олинмаган, яъни жиноят содир қилишга мойил эканлиги олдиндан ўрганилмаган бўлиб чиқади.

Балки ИИБ ВЕОХООГ фаолиятидаги камчиликларга барҳам берилса ўспиринлар ўртасидаги жиноятлар бирмунча камайиши мумкин. Тўғри, бу борада бошқа масъул қишилар ҳам бор. Жумладан ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, мактаб маъмуриятлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ва педагог-тарбиячилари ўз вазифаларига жиддийроқ ёндашсалар, масъулият билан қарасалар, албатта аҳвол ўзгача бўларди.

Ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, мактаб маъмуриятларида йўл қўйилган камчиликларни бир-бир санаб ўтирмоқчи эмасмиз. Аммо... Шовот туманида рўй берган бир воқеани (фожиа десак ҳам бўлади) айтиб ўтмасдан иложимиз йўқ.

Туманидаги «Чиғатойқалъа» қишлоқ фуқаролар йиғини педагог-тарбиячиси ўз вазифасини бажармасдан мунтазам туман ҳокимлигига ишга жалб қилиниб келинган. Яна бир қишлоқда фуқаролар йиғини раиси ўзининг фақаттина ўрта махсус маълумотга эга бўлган, тўғрироғи, ўзи тарбияга ва билимга муҳтож бўлган ўғлини педагог-тарбиячи вазифасига ноқонуний равишда ишга қабул қилган. Хўш, уларга биркитилган болаларнинг тарбияси нима бўлади? Худди шу туманда рўй берган 1-синф ўқувчиси билан боғлиқ воқеа шундай эътиборсизлик, масъуليятсизлик оқибати эмасми... Вилоятдаги мактаб интернатларнинг бирида 9-синфни битказиб, ҳеч қаерда ўқимасдан юрган ўспирин назоратсиз қолганлиги туфайли етти яшар қизалоққа зўрлик қилиб, эндигина ҳаёт остонасини ҳатлаган қиз қалбини ёвузликка рўпара этган, нафратга солган. Бир умрга унинг шаънини бадном қилди. Бу фожиа ўша юқорида айтиб ўтганимиз каби камчиликларнинг бир оқибати эмас деб ҳеч ким айтолмайди. Хонқа туманидаги ҳали вояга етмаган қизнинг енгил табиатли аёлларга қўшилиб кетганлиги, уйидан бир неча кунлаб кетиб қолишини теварак-атрофида ҳамма билган. Қизнинг тақдири ҳақида қайғуриш, қолаверса, шаънини ҳимоя қилиш муҳим эди. Унинг тарбияси оғирлиги ва келтусида жиноят содир қилиши мумкинлиги учун Кўқон шаҳридаги ёпиқ турдаги махсус қизлар мактаб интернатига жойлаштириш ҳақида Хонқа туман судига даъво аризаси киритилган эди. 1-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси эса уни қайта тарбиялашни кафилликка олиб, қизни бу «жазо»дан (аслида қизнинг келажаги учун ҳам, ота-онасининг обрўси учун ҳам бу жазо эмас, мурувват эди.) қутқариб қолди гўё. Балки, фуқаролар йиғини раисига ҳам, қизнинг ота-онасига ҳам шу бир «шўх» қизни тарбиялаш ҳеч гап эмасдек туюлгандир. Оқибат эса... ўша қиз уйидан яна қочиб кетди. Унинг қаердалигини ҳеч ким, ҳатто кафилликка олган кимсалар ҳам биролмай юрдилар. Улар шу қизнинг келажаги учун айбдор эканликларини балки ўзлари ҳам англагандирлар. Лекин бу дайди юрган қиз бирон жиноят содир қилса, бу ишда ҳам ўзларининг айби борлигини ҳис эта олармиканлар. Ахир шундай воқеалар туфайли жиноятчилик йилнинг атиги бир чорагида салкам ўттиз фоизга ошди. Бу кўрсаткич ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни ташвишга солса-ю, бошқаларни қизиқтирмаса, ўйга толдирмаса, виждонини, қалбини жумбушга келтирмаса.

Лоақал келажагимиз эгалари бўлган вояга етмаган ёшларни тарбиялаш, уларни ватанга садоқатли ва комил инсон бўлиб етишишларини таъминлаш учун масъул бўлган давлат идоралари хизматчилари ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этишга виждонан ёндашиб, эътибор билан қарасалар, давлат ва жамият олдидаги бурчини бажарган бўладилар. Ва шу билан бирга, фарзандларимиз ва келажагимиз эгалари бўлган бугуннинг ёшлари нотўғри йўлга кириб кетишларининг олди олинади.

Қувондиқ САЪДУЛЛАЕВ,
вилоят прокурори ёрдамчиси,
Муқаддас ИСМОИЛОВА,
журналист

«ШОУ»ЛАР ВА ШОВ-ШУВЛАР...

Мустақиллик бахти насиб этган кундан бошлаб уч-тўрт одамнинг олдида гапириш қўлидан келган ҳар биримиз «динимиз ўзимизга қайтиб келди», «тилимиз тутқунликдан озод бўлди», «энди ўзлигимизни англадик» деб тез-тез такрорлайдиган бўлиб қолдик. Ваҳоланки, дин юксак эътиқод билан, тил ватанпарварлик ва миллий ғурур билан, ўзликни англаш эса маънавий даража билан боғлиқ тушунчалар эканлигини ҳеч ким ҳис эта олганимизча йўқ экан. Буни кундалик ҳаётимиз, турмуш тарзимиз кўрсатиб турибди.

Баъзида ёшлар билан иш олиб бораётган айрим мутасаддиларнинг фаолияти «популистик режим», яъни «хўжакўрсин»га ишлаш усулида эканлигини кўриб, ўзликни англаш «кимларгадир» таклид қилиш ёки «бизнес» йўли билан эмас, балки аждодлар меросини, гўзал тилимизни, динимизни янада мукаммалроқ ўрганиш орқали рўёбга чиқишини улар билмайдими, деб ажабланасиз.

Яқинда шаҳардаги ўқувчи ёшлар ўртасида ўтказилган «шоу»-тадбир унда иштирок этган тележурналист учун танқидий кўрсатувга мавзу бўлганлиги бир қараганда оддийгина ҳол эди. Бироқ ана шу тадбир тарафида «Ҳамроҳ» кўмагида баҳс-мунозараларнинг қизиб кетганлиги ва бу «фикрлар тўқнашуви»нинг моҳияти ҳар қандай «бетараф» одамни ҳам ўйлантириб қўяди.

Ҳар бир куннинг ўз салмоғи, тарихий аҳамияти бўлганидек, бу йилнинг ўн тўртинчи феврали ўзида кўплаб улуғ фазилатларни мужассам этган, ўз Ватанига муҳаббати беқиёс, бунёдкор шоҳ бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллигига тўғри келди. Бу улуғ зотга олис Ҳиндистонда муносиб эҳтиром изҳор этилсаю, ўзларини аждодлар маънавий меросининг ворислари деб билгувчи ва буюк шоирга ҳамюрт бўлган азиз ёшларимиз бу қутлуғ санага унчалик эътибор қилмасалар, фақаттина тележурналистни эмас, балки бу ҳақда эшитган кишини ранжитади бундай муносабат.

Ҳозирда етакчи радиостанцияга айланиб қолган «Водий садоси»да бу кун ҳақида юз марта гапиришган бўлса, шунинг тўқсон тўққиз мартасида **«Валентин куни», «Севишганлар куни» деб жар солинди десак муболаға эмас.** Онда-сондагина бугун шунингдек, шоир Бобурнинг таваллуд куни, деб илова тарзида айтиб ўтишди. Шунинг учунмикан, журналист юқоридаги «шоу» тадбир иштирокчиларидан бу кун ҳақида сўраганда, улар ўйлаб ҳам ўтирмай **«Севишганлар куни» деб жавоб қилишган, нима учун шундай дейилишини эса изоҳлаб бера олмаганлар.**

Кейинги воқеалар қандай кечганлиги барчага аён: «андишали» бўлганлиги учун журналист йиғилган материални анчагина «пардали» қилиб эфирга узатган. Ва бу эҳтиросли эътирозлар билан «суғорилган» мунозаралар аввал «Ҳамроҳ» газетасида журналистнинг «Мен не дейман» сарлавҳали танқидий мулоҳазалари, сўнгра ёшларнинг негадир «ғазабланиб» ва кимларнидир «рағбатидан руҳланиб» ёзган «Журналист кимдан буюртма олган экан?» сарлавҳали эътирозлари ва хотима сифатида яна журналистнинг «Гапни гапир уққанга» деб номланган очиқ хатини эълон қилинишига сабаб бўлди.

Журналист-ижодкорлар меҳнати кўп жиҳатдан ўқитувчи меҳнатига ўхшайди. Улар ҳам инсон руҳиятига турли кўрсатувлар, эшиттиришлар, бадиий асарлар, мақолалар - умуман сўзнинг сеҳрли қудрати орқали таъсир кўрсатадилар ва кишилар дунёқараши, ҳаттоки ҳаётий позицияни у ёки бу ёққа буриб юборишга эриша оладилар.

Тўғри, ҳаётимизга аста-секин сингиб бораётган миллий истиқлол ғояларига мос келадиган телекўрсатувлар, турли жанрдаги матбуот чиқишлари кўп. Лекин улар қатори ўта шиддат билан кишилар, айниқса, ёшлар қалби ва онгига таъсир қилиб, уларда «енгилтак» ҳаётнинг «гўзалликлари»га иштиёқ уйғотаётган, «эротик» ғояларига мойиллик туғдираётган ва «дабдабабозлик», «чақириқбозлик»ни, «шоу»лар ичида «яшашни» ўргатаётган «вазнсиз ижод» маҳсуллари қўзиқоринидек кўпайиб кетганлигини қачонгача фақат эътироф этиш билангина чекланамиз экан?

Очиғи, журналист билан ёшлар ўртасидаги баҳс-мунозарада ёшларни зинҳор айблаб ҳам бўлмайди, чунки уларни ўраб турган муҳит шундай муносабатлар шаклланишига беихтиёр мажбур қилади. Ва улар эътиборига бошқа арзигулик нарсалар етарлича тавсия этилмаётганлиги боис натижа журналист кутганидек чиқмаган.

Балки ҳамма гап тегишли «мутасадди»ларни ҳаётимизнинг бу томонларига панжа орасидан қарашларида, жамият ва унинг келажаги олдида масъулиятни лозим даражада ҳис эта олмаганликларида бўлса керак. Акс ҳолда, жамиятда ҳамма нарсани деярли назоратдан четда қолдиримайдиган кишилар ҳаётнинг бу томонини тартибга сола олмайдиларми?! Ахир бизларга аждодлар ибратига муносиб, уларнинг бой маънавий дунёси руҳида шаклланган, мақсадлари тиниқ, эркин фикрли, «тўтинамо» яшаш, ўқиш ва меҳнат қилишни ор деб биладиган миллат ёшлари керак эмасми?!

Очиғи, ёшлар Президентимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!», деган сўзлари замирида ўзбек халқининг халқаро нуфузи, аждодларимизнинг буюк бебаҳо маънавий мероси, жорий этилаётган илғор технологиялар, илм-фан ривожи, доно ва бағрикенг халқимиз ҳамда бошқа кўплаб ажойиб мулоҳазалар ётганлигини чуқур англаб, шу аснода менинг жамиятда тутган ўрним қандай бўлмоғи керак, деб ўйлаб кўрмаганликлари, билдирган эътирозларида сезилиб турибди. Фикримча, бугун ғарбга, эртага шарққа тақлид қилишлар, ўзларига хориждан ибрат қидиришлар - фақат шуларгина ёшлар камолотини белгиламайди. Аксинча, ўзлаштиришга арзирли ва кераклигини фарқламай, уларни ҳам танимай яна ўзлигини билмаслик далолати бўлиб қолиши мумкин.

Шу боис буюк аждодларимиз ибратига муносиб авлод бўлишга интилиш, илм сирларини эгаллаш, бизларни маънавий юксалиш сари етаклашини унутмаслигимиз муҳимдир.

Бахтиёр МЎМИНОВ

Фарғона

ЎЗИМИЗЗИ «ХОСЕ»

Таътилда қишлоғига кетаётган уч-тўртта талабалар автобусда ўтиришарди. Катта бекатда автобусларга чиқиб савдо қиладиганлардан бири салонга чиқаркан, молини мақтай кетди:

— «Эсмералда» ручкалар бор, мана суратига қаранг. Эсдаликка олиб кетинглар, яхши кўрган қизларингизга совға қиласизлар.

У тушиб улгурмай ҳам автобусга чиққан яна бир аёл:

— «Хосе Армандо» трусиклардан олинг, Хосе Армандо! — деди билагича ёйиб ташланган ўзимиззи «Хосе Армандо»ларни кўз-кўз қиларкан...

ЧАҚМОҚ



Фурқат чизган сурат

БИЗГА ҚАРАНГЛАР

Яна келди ёз,
Қадаҳ, чалгин соз.

Биз турган жойда
Оддий сув қайда.

Жўмрагин чўзма,
Савдони бузма.

Баҳонаси кўп,
Ич оғритар хўп.

«Сув текин» сўзи,
Бекор гап ўзи

Боболар деган,
Пулдан панд еган.

Сиз бизга қаранг,
Нархимиз суранг

Сонсиз туримиз,
Сувнинг пиримиз,

Лек баримиздан
Укамиз илдам.

Энг тезоқари,
Чўнтак қоқари.

Дерлар сироп сув,
Пул топармон-у.

Чанқов дамингда
Ҳар қадамингда

Чироғи ёниқ,
Баҳоси аниқ.

Эллик сўм тўла,
Йўқми ё, ўл-а.

Жўмракни унут,
Стаканни тут.

Биздан уйга ол,
Байрам, тўйга ол.

Дўстларни шод эт,
Биз билан ёд эт,

Салқинмиз, салқин,
Ароққа яқин

Қўйса арзиймиз,
Қуйса арзиймиз.

Коняқдан салкам
Обрўйимиз ҳам.

Нарх ҳам шундайроқ,
Боқманг мундайроқ.

Тўлиб-тошамиз,
Яна ошамиз!

Сув - бу ҳаёт-да,
Шу сўз ҳаётда.

Сув бозор чаққон,
Сувга пул чаққан.
Кўркимиз қаранг
«Ками» йўқ, сўранг.

Магар пулинг бор,
Сув бозорга сол...

Айниқса ёзда
Бу савдо соз-да.

Чанқайдур ҳамма
Сув дўкон камми?!.

Ким қараб ўтди,
Ким сўраб ўтди.

Тўй кўп «кимўзар»,
Савдомиз қизар,

Кичик-каттамиз
Тўрга ўтамиз.

Қадаҳ бир ёнда,
Биз - дастурхонда.

«Блок»лаб келдик,
Қўлма-қўл бўлдик.

Қадаҳ жаранглар,
Бизга қаранглар...

Чўпий домладан

Партия ва ёшлар

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»НИ ТАНЛАДИМ

Мен келажакда ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Ҳозирдан мамлакатимиз сиёсий ҳаёти билан танишиб бормоқдаман. Мен бу йил 21 ёшга тўлдим, ўз билимларим доирасида мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятини тузишда сиёсий партияларнинг ўрни қанчалик муҳим эканлигини яхши биламан. Шундан келиб чиқиб мен Миллий тикланиш демократик партиясига аъзо бўлмоқчиман.

Партиянинг асосий ҳаракат дастури, мақсад ва вазифалари, жамиятимиз тараққиётига доир қарашлари ва ғоялари билан танишиб чиқиб яқинда бўлиб ўтадиган сайловда шу партияга овоз бериш истагидаман. Газетангизда шулар ҳақида маълумот бериб борасизлар деган умиддаман.

Энди мени ўйлантирган яна бир нарсага тўхталмоқчиман, бу жамиятимизда ҳали ҳам фуқароларимизнинг ўз сиёсий ҳуқуқини тўлиқ англаб етмаётганлигидир. Бу айниқса, қишлоқ жойларида кўп кузатилмоқда. Мен танлаган партия аъзолари Миллий тикланиш демократик партияси дастури билан тўлиқ танишиб чиқиб, қишлоқ жойларида сайлов вақтида партия номидан тарғибот олиб бориши муҳим деб ўйлайман. Сайловнинг демократик тарзда ўтишига (чунки кишилар тушунib сўнгра овоз берадилар) улар қатори мен ҳам ўз ҳиссамни қўшсам дейман. Конституциямизда бир муҳим қоида мустаҳкамлаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар». Бу ҳамма учун, ҳамманинг ҳаёти учун муҳимдир.

Акбар ҚАРШИЕВ,
Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия университети талабаси

ҲАЁТ АДАШИШДАН ИБОРАТМИ? ТАБИАТ-ЧИ?

Ранглар ҳақида мушоҳадалар

Ранг – ҳақиқий мўъжиза. Унинг кучи билан одамни йиғлатиш ва кулдириш мумкин.

Табиат қонунларини ўрганмаган, ундаги шакл, ранг, фазо, маконни идрок эта олмаган ва табиат гўзаллигини қалбан ҳис этолмайдиган олим, зиёли, умуман инсон маънавий жиҳатдан баркамол бўлолмайди.

Эволюцион назарияларда табиатдаги популяция, адаптация, мақсадга мувофиқлик қонуниятлари кўп тилга олинади, лекин бирорта дарвинчи олим табиат фақат мукаммалгина эмас, балки ажойиб, мўъжизавий гўзал эканлиги ҳақида сўз айтмаган, бу ҳақда улар сукут сақлайди. Бизнингча, эволюцион назария жонзотлар орасидаги ранглар жилосини, уларнинг гўзаллигини ва чиройини тушунтиришга ожиз. Қўёш ҳаворанг, дарахт тилларанг, балиқ кумушранг ва ҳоказо. Қомусларни варақлаб ҳар хил рангли балиқ, ҳашарот, чиғаноқ, қуш ёки ўсимликларни кўришингиз мумкин. Улар кўплаб ранглар ва ранглар мажмуасидан иборат. Жонзотлардаги ранглар ўзаро уйғунлиги ва пластик ечими ҳар бир турда топилганлигининг гувоҳи бўласиз. Булар ҳақиқий санъат асари бўлиб, фақат мармар, бронза ёки ёғочга туширмай, балки бу гўзаллик тирик жонзотларда тасвирланган.

Қушлар, гул, чиғаноқ, дарахт, капалак ва замбуруғларнинг гўзаллигини мутация, сакровчи ген, ички қонуниятлар, атроф-муҳитга мослашиш назариялари билан тушунтириб бўлмайди. Дарвинчи эволюциончилар назарияси бўйича ҳаёт соддаликдан мураккабликка эмас, балки ибтидоий чиройдан мукаммаллашган гўзалликка фаолият кўрсатиб келмоқда.

Птеродактиллар қадимий судралиб юрувчи калтакесаклар авлоди бўлиб, кейинчалик уларда қанотлар ҳосил бўлган деб фараз қилсак, уларнинг авлоди бўлган қушлар эса жуда чиройли паррандалардир.

Ихтиозаврлар ибтидоий денгиз судралиб юрувчилари бўлган бўлса, уларнинг гўёки авлоди делфинлар – келишган, хушбичим сузувчи сув ҳайвонлари ҳисобланади.

Динозаврлар фақат қуруқликда юрувчилар дейилган бўлса, уларнинг авлоди бўлган қуруқликда юрувчи ҳайвонлар ҳар хил ранглар жилоси билан безанганлар.

Моллюскаларнинг авлоди бўлмиш денгиз бош-оёқлилар сув остида яшашга мослашган дейилса, унинг чиғаноқлари эса кўзни қамаштирувчи рангларга эга.

Спарангиялар ўсимликларнинг кўпайиши аъзолари улардан ҳосил бўлган гуллар ниҳоятда ранг-баранг ва гўзалдир.

Гўзалликнинг шаклланиши на уларнинг турфа хилларини на дарвинизм ва Кордюм, на Корочкин, тасодифан, ўз-ўзидан ҳаётнинг пайдо бўлиш назариялари тушунтира олмайди.

Мақсадсиз, тасодиф ва сакровчи генларга асосланган назария дарахтларнинг чиройли барглари ва шохларини шаклсиз, кўримсиз, ҳунук фотосинтезловчи масса эмаслигини қандай кўрсатиши мумкин.

Гўзаллик тўлиқ илмий категорияга кирмаса ҳам, лекин у инсон, унинг қалби ва тафаккури орқали яратилиб ўз-ўзидан, тасодифан пайдо бўлмайди. **Сиз бирон марта дидсиз, ҳунук рангга бўялган ва шакл-шамойили ўзига мос бўлмаган капалакни, гулни ёки қушни кўрганмисиз?** Йўқ десангиз, наҳотки ҳозирги турфа рангдаги, гўзал ҳайвонот ва ноботот дунёси ўз-ўзидан, ноаниқ мутация ёки сакровчи генларга асосланган эволюциянинг "хизмати" бўлса?!

Фантаст -мусаввир ўзга сайёралардан келган одамсимон махлуқот, ўсимлик ва ҳайвонлар шаклини чизадилар. Уларнинг асарлари ердаги ҳаёт шаклларини бузилган ҳолати ёки қандайдир бадбашара, бадбуруш, майиб-мажруҳ одам ёки ҳайвонни эслатади. Худо кўрсатмасин, шулар биз билан ерда юрсалар? Мусаввирлар табиат, ердаги фауна, флорадек гўзал, ҳамма томондан мутаносиб-гармония ҳолатда турфа рангларнинг мажмуасидан иборат бўлган, пластик ечимини топа олган, шакл-тамойиллар ҳар бир турга мос тўлиқ, баркамол санъат асарларини яратган эмаслар.

Свиристел – чумчуқсимонлар туркумидан бўлган ўрмон қушини кўз олдингизга келтирсангиз, у жуда чиройли, бадиий жиҳатдан қиёмига етган, рангларнинг мажмуаси ўз пластик ечимини топган. Шу гўзал санъат дурдонаси ўз-ўзидан, тасодифан пайдо бўлган десак, оддий мантиқга тўғри келмайди. Бошидаги кокил унинг яшаши ёки атроф-муҳитга мослашиш учун зарур эмас, балки у гўзаллик белгисидир. Уни тафаккур яратади. Бу қуш бошидаги кокили ёки попугисиз маромига етган санъат асари бўлолмасди.

Худди шунга ўхшаш тасодифан ҳаётга мослашиш асосида, функционал аъзоларининг пайдо бўлиш назариясига Африкада яшовчи турнанинг бошидаги сариқ-тилларангли кўркам, гўзал кокили тўғри келмайди. Унинг ҳаёт тарзини, яшашини енгиллаштирмайди. Атроф-муҳитга мослашиш нуқтаи назаридан ҳам унинг кокили бефойда бўлиб, ҳатто йиртқичлар учун уни белгили бўлишида ва учишида зарар келтиради.

Гўзаллик сифатида бу турнага кокили худди аёллар безагидек чиройли, кўркамлик бахш этиб турибди. Демак, бу безак унга зарур эди, у яратилди. Шу фикрларимизни Янги Гвинеяда яшовчи гўзал елпиғичли кабутар, бошида ўзига хос кокилли худуд (сассиқпопишак), ҳар хил рангдаги тождор тўтилар, турфа рангдаги товус пати, шарқи-жанубий Осиёда, Шарқий Австралияда яшовчи чумчуқсимонлар туркумига мансуб, ялтироқ патли, жуда чиройли жаннат қушлари ва шунга ўхшаш қатор гўзал паррандаларга нисбатан айтишимиз мумкин. Бу қўшимча безак уларга фақат гўзаллик бахш этади, холос. Бу чирой, гўзаллик фақат Олий Мусаввирнинг яратувчилик маҳсулоти бўлиб, яшаш учун кураш табиий танлаш деб аталувчи атамалар асосида пайдо бўлган эмас. Бундай безаклар мазкур жониворларнинг организми учун керак эмас, аксинча яшаш тарзини мураккаблаштириб, эволюциянинг табиий танлаш жараёнида йўқ қилиниши керак эди.

Қушларнинг ранги пластик ечим ниҳоясига етказилган бадиий мукаммал санъат асаридир. Мисол тариқасида зарғалдоқ қушни келтириш мумкин. Унинг танаси тўқсариқ ва контраст тариқасида қаноти, думи қора рангда. Ташқи муҳитга мослашиш нуқтаи назаридан дарахтларнинг кўк баргининг орасида зарғалдоқнинг турфа бўёқлик ранги уни яккол кўринишига ёрдам бериб, ҳаёт тарзини оғирлаштиради. Лекин у шундай чиройли "либос кийинганки" шунинг учун гўзал бўлиб кўринади.

Ҳеч қандай назария қизилиштон қушидаги қизил қалпоқчасининг пайдо бўлганини тушунтира олмайди. Унинг яшаш тарзига, муҳитга мослашувига қалпоқчасининг алоқаси йўқ. Лекин бу гўзаллик қонуниятларига мутаносиб, қушнинг устки томони қора, қанотлари ва бош томонининг икки ёндаги оқ ранглар ўзаро гармонияда бўлиб, ўзига хос ҳусн ато этиб туради.

Ранглар жилосини тропик қушларда ҳам кўриш мумкин. Улардаги гўзаллик ҳам рангларнинг тасодифий мажмуаси ёки хаотик тўплами бўлмай балки маълум мақсад, режа асосида яратилган санъат асарларидир.

Умуман дарвинизм нуқтаи назаридан рангларнинг турфа хили қуш, балиқ, капалак ва қўнғизлар учун нега керак? Улар бекиниш учун айтайлик, оч сариқ, хира, нурсиз, ялтирамайдиган яшил, жигарранг ёки ғира-шира ёруғлик, қош қораядиган пайтни эслатувчи қора, ер, дарахт рангларини танлашлари керак эди. Лекин қушларнинг кўпчилиги рангбаранг, хилма-хил рангларнинг мажмуасидан иборат бўлиб, ҳаётий зарур омил бўлмай аксарият зеб-зийнат ёки ортиқча юк сифатида хизмат қилади.

Капалакларга аҳамият берсангиз, уларнинг ҳам турфа рангларга бўялганини кўрасиз. Эволюцион нуқтаи назардан уларга бундай ёниқ, ранг-баранг, гулдор бўлишлари фойдадан кўра зарар келтириб, қушлар учун капалакларни белгили қилиб, уларни овлашни енгиллаштиради. Шундай ранг-баранглиги тропик балиқлар учун ҳам аслида ортиқча эди.

Агар ҳаёт ўз-ўзидан тасодифан эволюция асосида пайдо бўлганда эди, жонзотлар атроф-муҳитга мослашишлари учун уларнинг ранглари сариқ, қора ёки жигарранг бўлиб, ҳозиргидек ранг-баранг бўлмасликлари лозим эди. Ҳеч қандай табиий танлаш, мутация ёки сакровчи генлар ҳайвонот, наботот оламидаги рангларнинг мутаносиб – гармониясини бир бутун пластик ечимини ҳозирги кўринишидан охирига етказа олмайди.

Қушлар, капалак, балиқ, чиғаноқ ва гулардаги ранглар Олий Мусаввирнинг маълум мақсадга мувофиқ чизган полотноси эканлигига шубҳа қолмайди. **Чунки улардаги ранглар номутаносиблиги, бадбашаралиги ва ҳунуклиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.**

Табиат ва гўзаллик япон тилида синоним сифатида ишлатилар экан. Эволюция, табиий танлаш ёки тасодифий мутациялар ўз-ўзидан табиатни шундай гўзал ҳолатга келтирган десак кулгили бўлар эди. Гўзаллик фақат кимнингдир режаси, иродаси ёки хаёлий фантазияси асосида яратилади. Буларга К. Беҳзоднинг гўзал миниатюралари, Леонардо да Винчи ва Рембрандтларнинг гўзал полотнолари киради.

Замбуруғларга, айниқса тропик мамлакатлардаги қўзиқоринларга аҳамият берилса, уларнинг шакли жуда ҳар хил ва ранг-барангдир. Уларга бундай ранг-баранглик нега керак? Ҳар хил шароитда мослашиш учунми? Йўқ, албатта. Оддий шароитда ҳам замбуруғлар ўсаверишини ҳамма билади. Уларда табиий танланишга мослашиш эҳтиёжи йўқ. Нам жой бўлса бас. Эволюция, табиий танлаш, мутация асосида ҳеч қандай шаклсиз, рангсиз, бир хил ўсаверишса бўларди. Лекин улар шакли рангларнинг мажмуаси ва гўзаллиги билан ўз-ўзидан пайдо бўлганлигига шубҳа туғдиради.

Табиатдаги мўъжизалардан яна бири чиғаноқлар шакли ва рангларининг турли-туманлигидир. Унинг пишиқ-пухталиги ва чиройи душмандан моллюскаларни ҳимоя қилиш эмас, балки уни ҳақиқий ўз пластик ечимини топган санъат асари эканини таъминлаган. Бундай чиройли, рангдор чиғаноқларни уйимизда сувенир сифатида сақлаймиз. Бу гўзалликни ким яратган, нима учун чиғаноқ спирал шаклда ўралган? Моллюскалар ўралмаган чиғаноқларда ҳам яшашлари мумкин. Чиғаноқлар шаклидаги гўзал санъат ўз-ўзида пайдо бўлмаган бўлса керак.

Турфа гуллар ифор тарқатадилар, осмон зангори тусга киради.

Йўқ, анвойи ранглар кўзни толиқтирмайди. Табиат ўз ҳусн-таровати ила гўё нималаргадир имо қилаётгандек. Гўё идрок англаб етолмайдиган, ақл чамалашга ожиз нимадир бизга тобора яқинлашиб келаётгандек.

Бундай гўзалликни таърифлашда олимларга нисбатан шоирлар ҳақиқатга яқинроқ келадилар.

Ранглар фалсафаси деган тушунча шеъриятда азалдан мавжуддир. Ва мана шу фалсафа Ҳазрат Навоий ижодида ҳам мужассамдир.

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.

Капалакларнинг гавдасига нисбатан қанотлари кенг ва каттадир. Уларнинг ҳавода учиши учун содда, кичик, ингичка, худди пашша, ниначи ёки ариларникидек бўлса анча қулай бўлур эди. Лекин капалакларнинг қанотлари коинот мусаввири чизган гўзал санъат асарининг ҳолати ва полотносидир.

Гўзалликни мутация, табиий танлаш, сакровчи генлар яратолмайди. У кимнингдир фантазияси, севгиси ёки ижодининг илҳоми асосида вужудга келади.

Буғулардаги шохлар охирги деталигача ўйланган санъат асаридир. Буғулардаги шохларнинг шакли бошқача ёки қўйларникидек бўлса, у ҳолатда шохларнинг кўриниши номутаносиб, дисгармония бўлур эди.

Ўсимликларнинг барглари улардаги томирларнинг жойланиш қонуниятлари, гуллардаги рангларнинг хилма-хиллигини ниҳоятда гўзал бир дунё эканлигини тасодифий мутация, табиий танлаш ёки мазкур жонзоднинг ички эҳтиёжи туфайли ўз-ўзидан пайдо бўлган десак, албатта мантиққа тўғри келмайди. Режа, ният инсондадир, бундай гўзаллик иншосига жонсиз табиат қодир бўлмай, ижодкори Олий тафаккур эгасидир.

Жонзотлар борки ҳаммасида бир хил гўзаллик мухрланган.

Балиқ, қушлардаги муайян гўзаллик қонуниятлари капалакларга ва гулларга тегишлидир. Агар ҳаёт тасодифлар асосида ривожланганда эди, бундай гўзаллик қонуниятли, бир бутун шаклида ҳосил бўлмаган бўлур эди. Ҳайратланарлиги шундаки, **сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлардаги рангларнинг муайян мажмуаси қушларда ёки баликларда тўлиқ қайтарилиши уларнинг битта устахонада режалаштирилганлигидан дарак беради.**

Қандай қилиб қўнғирокгул, ниначи ва тошбақаларга қараб бўлар ўз-ўзидан пайдо бўлган деб ўйлайсиз? Демак сизнингча жонсиз табиат ҳам яратувчанлик кучига эга экан-да.

Муҳтарам ўқувчи! Ўйлаб кўринг, булар ҳеч вақт ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин эмас.

Эҳтимол "булар фақат эҳтиросга берилишдир, илмий асос эмас-ку" дерсиз. Лекин атроф-муҳитни, тирик жонзотларнинг ранг-баранглигини фалсафий мушоҳада қилмаслик дунё мўъжизаларга тўла эканлигини кўрмасликдан, умуман, ҳаёт Олий тафаккурнинг маҳсули эканлигини пайқамаслик фақат адашишдан иборат.

Муҳсин ВАЛИХОНОВ,
биология фанлари доктори

ОХИРГИ СЎЗ

Ит қор этар (хафа бўлар),
эгаси билмас

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 294.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда нархи эркин.
Саҳифаловчи: Р.Исмаилова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Адади: 1995 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Дилором МАТКАРИМОВА

Босишга топширилди 19.30